



Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

“Бепарволик пандемияга қарши барча ишларимиз натижасини йўққа чиқариши мумкин”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 26 май куни инвестиция масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йўлида мамлакатимизда коронавирус пандемиясига қарши кураш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Gazeta 11 dekabrden chiqa boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2020-yil 27-may, chorshanba * № 17 (1181)




ЭЛЕКТРОН ҚИЁФА

Фейсбук ҳақидаги “Ижтимоий тармоқ” кинофильми 3 марта “Оскар” мукофоти билан тақдирланган. Маркдан филем ҳақида сўраганида у шундай деган: “Бизнинг ҳақиқий тарихимиз етарлича зерикарли. Олти йил компьютер қаршида ўтирдик ва код ёздик”.

⇒ 4-бет

ҚАЙТА ТИРИЛГАН ЖАНГЧИ ҚИССАСИ



Михаил Шолоховнинг “Инсон тақдири” асаридаги жангчи Андрей Соколов эсингизга келаяптими? Балки Иззатилло кенжасининг исмини бекорга Андрей қўймагандир, балки тасодифий ўхшашликдир? Қайдам... Бу ҳақда унинг ўзи билан гаплашиш насиб қилмади.

⇒ 6-бет

АФСУС, АСАЛ ҚОЛДИ-ДА...



Ёнимдаги аёл шундан сўнг менга қараб синиқгина жилмайиб кўйди. Шу чоғ шартта ёнимдан пул чиқариб, мана опа манови пулга асал олинг, набираларингизга едиринг, мени дуо қилсангиз бўлди, дегим келди.

⇒ 8-бет

МУНОСАБАТ



АДАБИЁТ — ХАЛҚНИНГ ЮРАГИ

Президентимизнинг Миллий боғ ҳудудида янги ташкил топган таъмирланиб барпо этилган Адиблар хиббонига таърифидан кейинги ўйлар...

Сирожиддин САЙИД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари раиси, Ўзбекистон халқ шоири.

Мир Алишер Навоий бобомиз “Мажолис ун-нафоис” асарининг мухтасар мукаддимасида ният ва муддаони маълум қиларкан, шундай сўзларни биталдилар: “... Бу жихатдин Султон Сохибқироннинг хумон валодалари замонидин рўзафзун давлатлари давронингачаки, қиёматгача барқарор ва олам инқирозигача пойдор бўлган, улча фақир эшитибмен, аммо хизматларга етмаймен ва улча хизматларига етибмен, аммо холо бу фано дорил-гуруридин бако дорис-сурурига интиқил қилибдулар ва улча холо бу фаррух замонда намоёндалулар ва ул ҳазрат зоти малакий сифотиға мадх сарояндадулар, жамъ қилилган ва хар қайсининг натойижги табъдин бирор нима нишона йўсулук ёзилган. Чун бу мақсудга етилди, они секкиз қисм этилди ва хар қисми нафис бир мажлисга мавсум бўлди ва мажмуага “Мажолис ун-нафоис” от қўюлди...”

Мукаддиманинг мукаддимаси Яратганга назмий ҳамда мақтов сатрлари билан бошланади:
Юз ҳамд ангаким ясаб жаҳон бўстони,
Айлаб юзу зулфини гулу райхони.
Қилди ясағоч бу боғи руҳафзони,
Назм ахлин анинг булбули
хуш илҳони...

... Боғи Руҳафзо. Боғи Дилқушо. Самарқандда – Боғи Шамол. Тошкентда – Адиблар хиббони, яъни Адабиёт боғи. Адабиёт – адаб ва ёд янглиг, Абодий ёд, Абодий ҳаёт мисол жарангайди. “Чун адам саҳросидин келдим вужуд айвонига” дейдилар ҳазрат Навоий. Бу сатрнинг давоми, аниқроғи, бардавом ва барҳаётлигини, шу пайтга қадар Олий Мажлиснинг мухтасам биноси томон серсукут ва уйчан ҳолда боқиб турган бобомизнинг янги давру замонамизда шарафли рутбаларига муносиб қибла томонга қарата қўйилган сиймопарно, ул беназир зотнинг мақомларига яраша юртимизнинг энг баланд айвонидан баланд номларига лойиқ хурмат-эҳтиромлари жойига тушганлиги – улуг бобоқалонимиз Абодий айвонидан мангуликка қадар сафарлари давом этаётганидан далолат бермайдими?..
Адиблар хиббони. Адабиёт боғи. Абодий боғи.

Мамлакат Президенти мухтасам ёдгорлик пойига гул қўйиб, хурмат ва эҳтиром кўрсатаркан, бунда йилган адабиёт ва маърифат ахли – шоир ва ёзувчилар билан жиддий суҳбатлашиб, жиддий саволларни ўртага ташлади.

– Адабиёт халқнинг юраги, – деди Президент, – элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, бой маънавиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни ҳозирлаймиз.

Уйлаб кўрилса агар, Давлат раҳбари кейинги икки-уч йил давомида энг кўп қаддам ранжида қилган маскан Миллий боғ ҳудудидаги Адиблар хиббони экан. Суҳбат асосида бунин Президентнинг ўзи ҳам эътироф этди. Яқин тарих саналарига назар ташланса агар, бу борадаги илк таъриф 2017 йилнинг 3 февралига тўғри келаркан. Уша йилнинг 18 апрелида Давлат раҳбарининг тегишли қарори қабул қилинди. Бўлажак Адиблар хиббонининг меъморий-ғоявий лойиҳаси тайёрланди.

Ҳали ҳам эсимизда: бу маъвода, ён-атроф ҳудудда ҳозирги Тошкент тарихи (ушанда Кўрғазмалар зали)дан бўлак

бошқа бирор-бир бинонинг ному нишони ҳам йўқ эди. Қиш изгиринидан дийди-раб турган боғаро сувқоздан тикланган омонат чодир ичда Давлат раҳбари илк маротаба бу масканда Ёзувчилар уюм-маси учун янги иморат ва адиблар хиббони барпо этиш тўғрисида сўз бошлагани асосида худди орзу ва ниятнинг оқлигини тасдиқлагандай паға-паға лайлақ қор ёға бошлаган эди...

Ҳақиқатан ҳам, ниятлар оқ экан, мана, бугунга келиб, орадан ҳеч қанча муддат ўтмай, ўша манзилу маконда жаннатмонанд, фирдавсамоқ Адиблар хиббони бунёд этилдики, адабиёт ва адаб ахлига бағишланган бундай кўркем маъво бошқа мамлакатларда топилмаслиги мўқаррар. Бу хулосамизга хиббонининг яхлит меъморий мажмуасио дид ва фаросат билан бунёд этилгани, гуллар ва дарактлар, йўлақлар ва чироқларнинг бир-бирига уй-гун ва мутаносиблигича гувоҳлик бериб турибди.

Шу ўринда мухтарам Президентимизнинг бундан уч йил аввал, 2017 йилнинг 3 август куни мамлакат ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан муҳим бир иқтибосни келтирмақ жоиз: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган беқиём бой-ликларимиз бор ва мен ишонман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”.

Бу даъваткор ва тарихий сўзлар айтилганига ҳали ҳеч қанча вақт ўтмаган бўлса-да, мана бугун – тарих 2020 йил 20 май санаси куни олам ахли ҳавас қилса арзийдиган бинойидай Адиблар хиббони ҳам тап-тайёр бўлиб турибди!

Ҳеч қандай истихласиз очик айтиш мумкинки, Президент Адиблар хиббонини ўзгача завқу шавқ, ҳайрат ва ҳажжон

билан кезиб қикди, кўздан кечирди. Давлат раҳбарининг изидан шоир-ёзувчилар қанча илдамланмасин, у кишига бақамти қадам ташлашга улгурмай қолди. Шоирлардан кимдир энгли мутуйба қилди: Адабиёт замондан орқада қолмаслиги керак!..

Устоз Эркин Воҳидовнинг серсукут сиймосига қарар экан, Президент бирпас ўйга толгандек бўлди. Беихтиёр бундан икки-уч йил аввал айтган, бугун ҳам суҳбат чоғи бир эслаб ўтган “Менинг ҳам армонларим бор...” деган гаплари кўнглимиздан келди. Шу ўринда устозимизнинг салкам ўттиз йил аввал битган сатрларини эсладик:

Агарчи исми Эркин,
Эрки йўқ банди кишиан бўлдим,
Кўзим боғлиқ, дилим доғлиқ,
Тилим йўқ, бесухан бўлдим...
Чекибдур Бобуру Фурқат
Ватан ҳажрида афгонлар,
Мен эрсам, ваҳ, не гурбатким,
Ватанда беватан бўлдим.
Ишончим бор, Ватан, бир кун
Келар чун нурли давронинг,
Дегайман шунда чин Эркин,
Чин инсон қайтадан бўлдим.

Ушбу шеърнинг аввали билан охири сатрлари оралиғидаги масофа йигирма тўққиз йил! Йигирма тўққиз йилдан кейин – Давлат раҳбарининг сидқидил эътибори бу хурмат-эҳтиромнинг амалий ифодаси бўлмиш Адиблар хиббони тимсолида рўёбга чиққан орзу, ушалмас армонлар муборак бўлсин, азиз устозлар!..

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бердақ, Отаҳий, Муқимий ва Фурқат. Бир томонда миллатпарвар жадид боболаримиз: Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий.

«МЕҲР-САХОВАТ» КЎКРАК НИШОНИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Президентимиз 2020 йил 26 май куни “Меҳр-саховат” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги Фармонга имзо чекди.

Ушбу фармонга кўра, “Меҳр-саховат” кўкрак нишони билан дунёда глобал муаммога айланган коронавирус пандемияси ҳамда турли табиий офатлар туфайли эл-юртимиз бошига тушган синовли кунларда меҳр-оқибат, саховат, ҳиммат ва олижаноблик фазилатларини намоиш этган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга беминнат кўмак кўрсатган, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, бирлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлашда фаол иштирок этиб, беғараз ҳомилийк ёрдами ҳамда эзгу ишлари билан кўпчилиқка ўрнак бўлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

Фармонга биноан, «Меҳр-саховат» кўкрак нишони тўғрисидаги Низом қабул қилиниб, кўкрак нишонининг Тавсифи тасдиқланди.

СИНОВЛИ КУНЛАР

ХАТАР ЎЧОҒИДАН СЕВИНЧ ҚУЧОҒИГАЧА...



“Hurriyat” muxbirlari karantin zonasida бўлиб қайтишди

Дунёда коронавирус пандемияси бошланганига олти ой бўлди. Лекин бу олти ой бир неча йилларга сабоқ чиқарадиган ишларни инсоният ўтмишига муҳрламоқда. Кўркув, хатар, бесаранжомлик, ўз тана аъзоларинг билан ўзгача мулоқот – булар ҳаммаси коронавирус сабаб юзага чиққан ҳолатлар, хислар, кечинмалар.

Бугун олам ахли коронавирус вакцинаси кашфиёти ҳақидаги хабарни жон қулоғи билан эшитишга шай турибди. Бироқ на ирк, на миллат, на бой, на камбағал, на ёшу қари танламайдиган ушбу ёв ҳар бир инсонни оғохликка чорламоқда. Кузатувчи бўлиб ўтиришга ҳаққимиз йўқ. Вирусга чалинамаслики ҳамма хоҳлайди, бироқ у бизнинг хоҳишларимиз билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Шу боис ҳар биримиз, ҳар дақиқа вирусга қарши курашга маҳкумимиз.

Огоҳ бўлишимиз шарт. Аввало ўзимизни, яқинларимизни бу хавф-хатардан муносиб ҳимоя қилолсак, шифокорлар неча ойи кулугимизга қуяётган, деярли ёд бўлиб кетган тозалик, озодалик ва гигиеник талабларни бекам-у кўст адо этсақина бу дардди енгишимиз мумкин.

Сўнги маълумотларга қараганда, ер юзи аҳолисининг 5 520 000 (беш миллион беш юз йигирма) мингдан ортқ нафари ушбу касалликка чалинган. Жорий йилнинг 15 мартда республикамизда COVID-19 вирусига чалинган илк бемор аниқланган эди. Давлатимиз раҳбари боришчилигида тезкор чора ва тадбир кўрилди. Бу эса ён-қўшниларимиз ва бошқа давлатларга нисбатан, Ўзбекистонда касалланиш даражаси юқори бўлмаслигини таъминлади. Улим кўрсаткичи кескин кам эканлиги бошқа мамлакатлар қаршида, Ўзбекистон ҳукумати, ўзбек тиббиёти нимага қодирлигини намоиш этди, кўз телмасин!



ХАТАР ЎЧОҒИДАН СЕВИНЧ ҚУЧОҒИГАЧА...

“Hurriyat” мухбирлари карантин зонасида бўлиб қайтишди



Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Камолхўжа Эшназаров.

1 Мамлакатда карантин чораларини қатъий тартибда жорий этиш, ҳар бир фуқаро гигиена қоидаларига бекамму кўст амал қилиши, агар амал қилмаган тақдирда жаримага тортилиши белгилини ҳақидаги Хайъат қарорлари аҳоли саломатлигини сақлаш, вирусга Ўзбекистон дарвозаларини ланг очиб бермаслик учун муҳим омил бўлди.

Айтиш керакки, халқимиз маданиятли, маърифатли миллат вакиллари эканини яна бир бор намойиш этишди (атайлаб карантин ҳолатига қарши борган баъзи “сэлфи”чилар, “шов-шув”чилар — улар кўча болалари, ўттиз уч миллиондан ортиқ аҳолиси бор мамлакатдан тўрт-бешта чиқади-да). Муҳими, халқимиз истаса жипслаша оладиган, тартиб-интизомли, уйда ўзини яққалаб яқинларини, қариндош-уруғларининг хавфсизлигини таъминлаб, мустаҳкам миллат эканини кўрсатмоқда.

Хукуматимиз қатъий чора-тадбирлар кўриб, қисқа вақт ичида Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида ўзида 20 800 кишини қабул қилишга мўлжалланган карантин зонаси қурилиши бошланди. Ҳозирги кунда ушбу зонада 12 314 нафар фуқаро карантинда сақланмоқда.

Карантин зонасига қирар эканмиз, бир километрлар чамаси узоқликда жойлашган 12 ИИБ постда илк текширувдан ўтдик. Мақсадимиз олий ва ўрта тиббиёт ходимлари, Миллий гвардия ва Ички ишлар органлари вакиллари ҳамда давлат хавфсизлик хизмати гуруҳининг халқимиз саломатлиги йўлида қилаётган фидокорона хизматини газетамиз саҳифасида ёритиш эканини айтганимиздан сўнг, постдагилар зонада фаолият олиб бо-

кондиционер, музлатгич ва чой қайнатиш учун “Тэфаль” чойнаги, шунингдек, ювенил хонаси мунтазам ишлаб турибди. Ҳар бир хонадан чиқиндилар учун қувурлар туйнуғи олиб ўтилган.

Махсус ошхонада эса пойтахтимиздаги “Версаль” ва “Наврўз” ресторани ошпазлари уч маҳал таом тайёрлашади. Шунинг ўзидаёқ шарт-шароит қай даражада эканлигини тасаввур қилиш мумкин. Таомлар тиббий профилактик чоралар кўрилган махсус идишларда барча хоналарга етказилади.

Бундай чора-тадбирларнинг бош мақсади, биринчи навбатда аҳолининг тинчлиги, саломатлигини сақлаш, ушбу синавдан ортиқча талафотларсиз, эсон-омон ўтиб олишидир. Шундай экан, карантинга олинган ҳар бир фуқародан 14 кун сабр қилиш орқали белгиланган кўриқдан ўтиб, ўз оила-аъзоларини, қариндошларини, кўни-кўшинисини, қолаверса, бутун халқимизни мудҳиш хавфдан асраб қолишда кўмак кўрсатиши талаб этилади.

— Ушбу зонада карантиндагилар сони доимий ўзгариб туради, чунки ҳозирда коронавирус пандемиясига чалинганлардан кўра соғайганлар сони кун сайин ошиб бораёпти, — деди штаб-квартира жойлашган хонага бораётганимизда Юқори Чирчиқдаги карантин зонаси Республика штаб-квартираси бошлигининг ўринбосари Низомиддин Гаффаров. — Бўлимда 5 нафар врач, 10 нафар ўрта тиббиёт хамшираси, 5 нафар буюртмачи, 2 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, дезинфекцияловчилар ва умумий ишчилар хизмат қилади. Улар карантиндагилар учун кечаси-ю кундузи хизматда. Карантиндагиларнинг ҳарорати кунига икки марта ўлчанади ва ҳар беш кунда коронавирус тести-



— Коронавирус пандемияси манан деган давлатларнинг ҳам қўли-оёғини боғлаб қўйди. Олдинга интилиш учун ортга қарашга мажбур бўлишмоқда. Мамлакат раҳбари томонидан олиб борилган амалий ишлар натижасида Юқори Чирчиқ карантин зонаси барпо этилди. Зонанинг имкониятлари, биздаги шароитларнинг афзалликлари ҳақида гапириб берсангиз?

— Хукуматимизнинг саъй-ҳаракати билан коронавирус пандемиясига қарши кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Дунё давлатлари қасалликни даволашда вакцина яратиш ишларини бошлашганда, бизнинг давлат ўзгача йўл тутди, яъни касалликнинг олдини олиш чораларини кўрди. Мен бундан олдин она қориндаёқ тарбиялаш яхши натижа беришига ўхшатаман. Карантин ҳудуди ташкил қилиниши оқилона иш бўлди. Дейлик, Буюк Британия ҳукумати энди хориждан олиб келинадиган фуқароларини 14 кунлик карантинда сақлаш ҳақида қарор чиқарди. Бизнинг давлатимиз илк бор касаллик аниқланган кундаёқ бу ишни бошлаган эди.

— Айтинг-чи, нега айнан Юқори Чирчиқ карантин зонаси барпо этиш учун танланди?

— Юртбошимиз барча қўриқлаётган чора-тадбирларга бош-қош бўлмоқда. Карантин зонасидагилар, аввало, ўзларида касаллик бор-йўқлигини аниқлаб олиш баробарида ҳавоси тоза бўлган ҳудудда яшайди. Тонинг ён-бағрида, адирликда жойлашган карантин зонаси, гувоҳи бўлганингиздек, ҳавоси тоза ва сўлим. Бундай ҳаводан нафас олган ҳар қандай бемор ҳам, албатта шифо топади.

Бундан ташқари, энг ривожланган Европа давлатлари ҳам вақтида касалликка етарлича баҳо беришмаганлиги оқибатида қийин аҳволга тушиб қолишгани маълум. Уларда махсус зоналар қурилмаганидан мавжуд стадионлар, меҳмонхоналар, бош майдонлар касалхонага айлантирилди.

дан ўтказилади. Вирус тарқалишининг кичик эҳтимолини ҳам бартараф этиш учун озик-овқатлар фақат бир марталик идишларда берилди. Ҳар бир хонанинг олдида ҳовли бор, ундан тоза ҳаводан нафас олиш, спорт билан шуғулланиш учун фойдаланилади. Бу ерда ишлайдиган ҳар бир ходим коронавирус инфекциясини юктириш хавфининг бирламчи босқичида туради. Чунки, ҳар бир дақиқада биз маълум маънода карантиндаги одамлар билан алоқада бўлаемиз, уларнинг айримларида афсуски, коронавирус аниқланмоқда.

Вазифамиз ўз бурчимизда қатъий туриб, одамларга яқиндан ёрдам бериш, уларга ғамхўрлик кўрсатишидир. Энг муҳими, шифокор эҳтиёткор бўлиши ва қўрқмаслиги лозим, — дейди Н. Гаффаров.

Карантин зонасида Республика штаб-квартираси зонасига борганимизда биз штаб бошлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Камолхўжа Эшназаров билан учрашдик. Сўхбатимиз карантин зонасида яратилган шароитлар ва қурилган чора-тадбирлар ҳақида бўлди.

Хатто кўпчилик қудратли деб биландиган Америка Қўшма Штатлари ҳам касалликка чалинган беморларни шу кунгача фаолият юритиб келаётган шифохоналарга сиғдирилмай қолди. Алалоқибат, барча давлатлар карантин зоналари барпо этишга мажбур бўлмоқда.

Давлатимизнинг карантин зонасини қуришдан асосий мақсади ҳам коронавирус пандемиясининг олдини олиш, мамлакат миқёсида кенг тарқаб кетмаслиги чораларини кўришдан иборатдир.

— Бизга маълумки, хориждан келган тиббиёт ходимлари ҳам бу ҳудудда бўлишган эди?

— Хитой халқ республикасида келган тиббиёт вакиллари карантин ҳудудида бўлиши ва аҳоли учун яратилган имкониятларни юқори баҳолашди. Хатто Хитойда ҳам бундай шароит яратилмаганини тан олишди.

Ҳамма шароит етарли. Айни пайтда 21 та блок ишга тушган. Ҳар битта блокда 7-9 тагача қатор бор. Ҳозирда 16 минг аҳолини сиғдириш имкониятига эга, аввало, Худо кўрсатмасин, лекин эҳтиёт шарт, агар касалликнинг «иккинчи тўлқини» бизга ҳам таъсир этса, блокларнинг сизимини янада ошириш, 20 минг нафардан ортиқ карантинга олинган аҳолини жойлаштиришга имкон етарли. Олдиндан чора кўриш мақсадида қурилиш ишлари тўхтаб қолгани йўқ.

— Блоклардаги хоналар нечта одамга мўлжалланган?

— Гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш мақсадида ҳамда карантин даврида уларнинг ёлғизлиб қолишининг олдини олиш учун ҳар битта хонага 4 нафар одам жойлаштирилган.

Аҳолини карантин ҳудудига жойлаштиришдан олдин лаборатория таҳлиллари ўтказилади. Касаллик белгилари бўлмаган инсонларгина жойлаштирилади ва кимдаки, коронавирус белгилари аниқланса, дарҳол алоҳида изоляторга олинади. Келганига 14 кун бўлган фуқароларни уйга

жавоб беришдан олдин яна бир бор таҳлиллардан ўтказамиз. Турли вазирлар бўлиши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда карантин ҳудудида кечаю-кундуз “Тез ёрдам” тиббий машинаси шай туради.

Карантинда сақланаётганлар орасида коронавирус аниқланса, ўша заҳоти махсус шифохоналарга етказилади. Бугун бу ерда шифокорлардан ташқари, Миллий гвардия, Ички ишлар, ДХХ, Транспорт вазирликлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан бириктирилган кўп-лаб юрtdошларимиз тунни кунга улаб хизмат қилмоқда.

— Айни пайтда қанча одам карантинда сақланмоқда?

— Ушбу ҳудудда (22 май кунги маълумот) 12 минг 314 нафар фуқаро бор, шунингдек, Туркия давлатидан самолётда чартер рейс билан олиб келинган фуқароларимизни текширувдан ўтказиб, жойлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу рақамлар ҳар кун ўзгаради. Бир дақиқа бўлса ҳам иш фаолияти тўхтамайди. Уларнинг соғлиғига, тинчлигига, хавфсизлигига жавобгар тиббиёт ходимлари доимо сергак, тиббий дори-дармонлар билан қўролланган ҳолатда шай туришади.

Яна шунини таъкидлашни истардики, бизнинг давлатимиз карантинда вақтинчалик назоратдаги инсонларнинг икки ҳафта давомида сақланиши, еб-ичиши, тиббий хизматлар кўрсатиши, ҳамда коронавирусга чалинган беморларни бепул даволамоқда. Ўзингизга маълум, жуда кўп давлатларда даволаш ишлари пуллик, сугурта қилинганлар даволаниш учун белгиланган сумманинг ярим баҳосини тўлашса, сугурта қилинмаганлар өз фойиз пулини тўлаб, сўнг муолажа қилинмоқда.

Айтиш керак, карантин зонасини фуқароларимиз илк бор кўриб, билиб туришибди. Кўникиши бироз қийин кечаётгани рост, аммо яратилган шарт-шароитлар билан танишгач, Президентимизга раҳмат айтишмоқда.

Одамлар автобусдан туширилиши билан шифокорлар дарҳол ўз вазифаларини бажариш учун уларга юзланади. Улар орасида, албатта, аллақачон вирус юктирганлари ҳам бўлади. Гарчи ҳимоя воситаларида бўлса ҳам, бемор билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш осон эмас. Шифокорлар ҳам тирик жон. Бугунги фаолиятим давомида шу нарсага гувоҳ бўлдимки, шифокорларимиз фидойи, ўз касбини севиш билан биргаликда, жасратли инсонлар эканлигини амалда намойиш этишди. Президентимиз ҳам ўз нутқида соҳа ходимларини: “Бугунги кун қаҳрамонлари”, дея таърифлаганининг ўзидек касбимизга бўлган чўқур ҳурмат белгисидир.

— Юқорида айтганидек, мамлакатимизда вирусга чалинган илк бемор аниқланган кунданок унинг олдини олиш чоралари кўрилади. Барчани ҳушёр бўлишга чақирибди. Сиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош бошқармаси бошлиги сифатида, айтинг-чи, бунга тиббиёт ходимларининг муносабати қандай бўлган?

— Коронавирус пандемияси аниқланганданок, Президентимиз топшириғи билан ушбу касалликнинг олдини олиш ва ҳар қандай ҳолатга тайёр туриш мақсадида ўта муҳим фармон ва қарорлар имзоланди. Ҳамма ишлар босқичма-босқич бажарилиди. Биринчи навбатда, касаллик аҳоли орасида кенг ёйилиб кетишининг олди олинди.

Бугун шифокорларимиз нафақат ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан, балки инсонийлик фазилатларидан келиб чиқиб ҳам меҳнат қилмоқда. Ҳар бир касб эгасининг ватанга бўлган муҳаббати синовили кунларда билинади, албатта. Шифокорларимизнинг аксарияти “бориб ишлашга мажбурсан” деган сўзни кутиб ўтиргани йўқ. Ўз ташаббуси билан ишлаш истagini билдиришган.


Албатта, биз журналистларга хос “касаллик” шуки, қайси жойга бормайлик, кўпроқ маълумот олишни, одамлар билан янада кўпроқ суҳбатлашни истайми. Мавзунинг, масаланинг ичига чуқурроқ киришни хоҳлаймиз. Шу боис, биз ҳам карантин зонасидаги, айниқса, узоқ юртдан чартер рейслар орқали олиб келинган юртдошлар билан гарчи бу хавфли эканлигини билсак-да, суҳбатлашни истардик.

Аммо ... карантин зонаси раҳбарияти бунга рухсат беришади. Қатъий тартиб, интизом шунини тақозо этишини билдиришди.

— Сиз журналистлар соғлигини хатарга қўйишни истамаймиз, дейишди ҳазил-чин тарзда. Чин дилдан ташаккур билдирдик уларга!

Биз безовталиқ, хавф-хатар масканидан чиқар эканмиз, бу ердаги ҳар бир юртдошимиз хатар ўчоғидан оиласи кучоғига эсон-омон қайтишини астойдил тиладик. Чунки, ҳар биримиз, яхши ниятлар билан дунёда яшаб юрибмиз. Эртани ҳар биримиз соғиниб ва севиноб кутишга ҳақимиз. Зеро, инсон деган матлабни оқлаб яшаш учун биз соғлом ва омон бўлишимиз шарт.

Юсуф ЖўРАЕВ,
Феруза РАҲИМОВА,
«Hurriyat» мухбирлари.



Юқори Чирчиқ карантин зонаси Республика штаб-квартираси бошлигининг ўринбосари Низомиддин Гаффаров.

раётган Республика штаб-квартираси билан боғланишди. Бир зумда барча хавфсизлик чоралари кўрилган, махсус дезинфекцияланган “Дамас” автоуловиди Юқори Чирчиқдаги карантин зонаси Республика штаб-квартираси бошлигининг ўринбосари Низомиддин Гаффаров етиб келди.

Асосий постда машинадан тушдик. Обдон текширувдан, яъни назоратдан ўтдик. Ҳатто автоуловнинг гилдираклари оралитига махсус ускуналарда кузатувдан ўтказилди. Сўнг карантин бўлимига киришга рухсат берилди.

Карантин зонасида ҳар бир блок ораларидаги йўл ва йўлаклар дезинфекцияланган, атроф тоза ва озода эканлиги эътиборни тортади. У 15 блокдан иборат. Бу ерда хориждан чартер рейсда олиб келинган фуқаролар, улар билан мулоқотда бўлганлар, мамлакатимиз ҳудудида коронавирусга чалинган беморларнинг яқинлари ва ҳамсуҳбат бўлган аҳоли вакиллари вақтинча сақланади. Улар доимий равишда тиббиёт ходимлари назоратида бўлишади. Вақтинча карантинга олинганлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Блокларда профилактик муолажа учун махсус хоналар мавжуд бўлиб, ҳар бир хонада тўртта каравот, стол-стул,



АДАБИЁТ — ХАЛҚНИНГ ЮРАГИ

1 Устоз Ҳамид Олимжон “Энг гуллаган ёшлик чоғимда” дебон ҳозир ёнингизга тушиб келадигандай. Елкалари узра қалдирғочлар чарх уриб турибди. Зулфия опа ўтирган ҳолатда “Эзозлар, ҳурматлар учун ташаккур” деб турибдилар. Гарчанд хибонда оралари унча узоқ бўлмаса-да, ўртада неча-неча умрлик дарду фироқ, муҳаббат ва садоқат манзиллари турганини юрак-юрақдан ҳис этасиз...

Муҳташам қорақалпоқ адабиётининг азамат намоёндалари Ўзбекистон Қаҳрамонлари Ибройим оға, Тўлепберган боболар — халқ-Ватан олдидаги қарзини сўз



лаган азиз ва қадрли устозлар, муаллимлар. Улар сўзга, адабиётга хиёнат қилмадилар. Сўзни ерга урмадилар. Сўзни, шеърни Ватандек, Ватанни юксак сўз ва шеър сингари қадрладилар. Адабиётни Ватан деб, Ватанни Адабиёт деб билдилар. Шу садоқат ва матонатлари боис ҳалоллик ва поклик билан миллатнинг улуг адиблари мақомига эришдилар.

нинг эмас, бутун халқники, миллатники, миллат келажаги бўлган ёшларники. Адабиёт, китобхонлик ўрнини индетта бой бериб қўймаслик керак. Ада-



билан тўлаб берган боболар. Абдулла Қаҳҳор, Ойбек домла, Ғафур Ғуллом муаллим, Саид Аҳмад домла, Саида Зуннунова... Домла Озод Шарафидинов. Ва албатта, Александр Файнберг, Муҳаммад Юсуф...

Ҳозирча ушбу мажлисда Мақсуд Шайхзода муаллим иштирок этмаётган. Бир замонлар “Хибон” китобини ёзиб, таъна-маломатлардан биёбонга айланган Шайх домланинг муборак сиймолари ўрнатилиши арафасида...

Ва ушбу анжумандаги барча соҳибкалом ва соҳибқаламларга донишмандона қараб турган устоз Абдулла Орипов...

Қийин замонларда, оғир даврларда ижод қилган, халқ ва миллат дардини куй-

*Ҳар қисматга ҳар кимнинг даверни сабаб бўлгай,
Шеър ун чекса шоирнинг армони сабаб бўлгай,
Мен фахр этсам, умримнинг ҳар они сабаб бўлгай,
Топган тож-тахтим менинг жонажоним шеърят,
Энг олий бахтим менинг онажоним шеърят.*

Адиблар хибони. Адабиёт боғи. Абдиёт боғи.

— Мен сизларга мавзу бердим, — деди Президент, — энди буни назарий, амалий жиҳатдан тўлиқ юзага чиқариш — Сиздан...

Мавзу жиддий, вазифа жиддий, масъулият бениҳоят жиддий. Адиблар хибони бирина адиблар-



биёт ва китоб ўзининг азалий ўрни ва мақомини қайта эътибор учун ҳам бу ишга олий ўқув юртлари кенг жалб этилиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳар бир хайкал — мажмуа биттадан олий ўқув юртига бириктирилди. Адабиёт, барча олий ўқув юртлари — институтлар, университетлар орқали мушоиралар тан-

ловлар воситасида тинимсиз ўқитилиши, тинимсиз тарғиб қилиниши шарт ва зарур дейилдики, бу ишлар, бу ҳаракатлар вилоятлар миқёсида ҳам кенг амалга оширилиши керак...

Адиблар хибони. Адабиёт боғи. Абдиёт боғи.

Бу шунчаки боғ эмас, шунчаки ёзувчилар хибони эмас. Хибонга жон кириши керак, ёдгорликлар жонли тилда сўзлаши, гапириши, таълим ва тарбия, дид ва фаросатга, билим ва маърифатга хизмат қилиши керак.

Бундаги Тошкент тарихи музейи, бу ердан чиқиб бориб кўрганамиз, барча ижодкорларни том маънода ҳайрат ва ҳаяжонларга солган энг замонавий “Болалар миллий тиббиёт маркази”даги ҳайратомуз манзаралар — янги Ўзбекистонимизнинг ёрқин ва порлоқ саҳифалари янглиғ тарих зарварларига нақш этиб қолдирмоқ қалам аҳли зиммасидаги бurch ва масъулиятдир. Сабаби, давру замон ўз йулбошчиси тимсолида бу муҳташам иншоотларни Ватан ва халқ манфаати йўлида кўз ўнгимизда бўлиб этди. Ҳеч нимарса осмондан ўзи тушмайди. Ҳеч бир нарсаси ўз-ўзидан бино бўлмайди. Бунинг маънавий-маърифий аҳамияти беқиёсдигини англаган ҳолда, сўзимизни Давлатимиз раҳбари Адиблар хибонидан номини бир неча марта юксак эътибор билан тилга олган Муҳаммад Ризо Оғаҳий бобомизнинг бугунги кунларни башорат қилиб битган сатрлари билан яқунламоқчи лозим топдик:

*Ҳар ким ўқуса, дуо била ёд этгай,
Рухини бу ёд этмак шун шод этгай.
То Тангри аниги бу қарам борасида
Жойини икки жаҳонда обод этгай.*

ТАДБИРКОРЛИК

Давлатимиз раҳбари томонидан кичик ва ўрта бизнес ва тадбиркорлик тизimini ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли ўз фаолиятини бошлаган тадбиркорлик жамоаларидан бири Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги “MAGNA SPORT” МЧЖда аҳолининг меҳнатга бандлигини таъминлаш борасида муҳим амалий ишлар қилинапти.



Корхона аҳлининг орзуси

2017 йилдан буён фаолият юритиб келаётган мазкур Жамиятда 50 турдаги чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган бўлса, илк йилда 8 та, 2018-2019 йилларда эса 30 та янги иш ўринлари яратилди.

Бугун саноатнинг шиддат билан ривожланиб бораётгани ҳар бир инсондан инновацион фикрлаш ва янги гоёлар билан ишлашни тақозо этмоқда. Туманда бу борада бир қатор янги лойиҳалар амалга оширила бошланди. Тадбиркор ва кичик бизнес вакиллари хайрихоҳ бўлишди. Бу ташаббусдан Жамият ҳам четда турмади, ўзининг ҳар қандай янгиликни тезда ўзлаштириб, ҳаётга жорий эта олиши қобилиятини кўрсатди.

Жорий йилда Жамият томонидан бизнес-режа тузилиб, Балиқчи тумани “Файзиобод” маҳалласи ҳудудида қўшимча равишда “Чарм-атторлик буюмлари ишлаб чиқариш” биналарини қуриш белгилаб олинган эди. Туман ҳокимлиги томонидан “Файзиобод” маҳалласи ҳудудида Жамиятга 0.50 га ер майдони ажратилди. Бинонинг қурилиш ишлари эса жорий йил — Наврўз айёми арафасида битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Корхонага Хитойнинг “Urumqi Mingrui Chida Trade Co. Ltd.” компанияси билан тузилган шартномага асосан замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари келтирилиб, ўрнатилди.



— 2020 йилнинг биринчи ярмида қўшимча яна 50 иш ўрни яратиш ва жами ишчи ходимлар сонини 100 нафарга етказиш ниятидамиз, — дейди корхона раҳбари Жалолоддин Аҳмедов. — Бугунги кунда 28 турдаги рақобатбардош спорт анжумлари, яъни футбол, волейбол, гандбол колтоқлари, катта теннис, баскетбол, спорт теннис, бадминтон, химёя тўрлари, йўгон арқон, боксчилар химёя бош кийими ва кўлқоли, машғулот қоли, курашчилар кўрпаси, гимнастика гардиши сингари бир қатор спорт анжумлари ишлаб чиқарилапти. Албатта, тадбиркорликни ривожлантириш учун, асосан, катта миқдорда маблағ талаб этилади. Бу борада жамият аъзолари ўз айланма маблағларидан ташқари банкдан қўшимча 349 минг АҚШ доллари миқдорига кредит олиб, ўз фаолиятини ҳозирги кун талаблари даражасига етказди.

Энг муҳими, Балиқчи туманининг яна бир чекка қишлоғида маҳсулотлари харидориг, жамоасига муҳим иш ҳақи бера оладиган истиқболли корхона ўз иш фаолиятини бошлади. Ён-атрофдаги қишлоқлардан ҳам ишчи-ҳодимлар ишга қабул қилинмоқда.

Дарвоқе, корхона раҳбари ва аъзоларининг самимий орзу-ниятларидан энг муҳими — ишлаб чиқараётган маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда ўзбек спортчилари дунё шохўрасидан жой олиб, юртимиз байрогини юксакларга кўтарсалар, улар учун шунинг ўзи энг катта бахт.

Маъруфа СОЛИЕВА,
Балиқчи тумани.

МУАММО ВА ТАКЛИФ

Сўнгги йиллар мобайнида юртимизда тиббий хизматнинг сифат ва самардорлигини янада юксалтиришга қаратилган бир қатор дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини юксалтириш, мутахассисларнинг малакасини ошириш, жаҳон тиббиётининг илғор усулларини ўзлаштириш ва амалиётга таъбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада белгиланган муҳим вазифаларни бажаришда ҳамшираларнинг фаолияти ҳам муҳим ўрин тутди.

Ҳамшираларга иш беринг

Бугун тиббиёт коллежларининг ҳамширалик йўналишини тамомлаган ёшларимиз кўпчилики ташкил этади. Афсуски, бирина Шўрчи туманида ҳозирги кунда 170 нафардан ошмиқ тиббиёт ходими бўш иш ўрни йўқлиги сабабли ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаша олмаган. Бошқа туманларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда Сурхондарё вилояти миқёсида 2 мингдан зиёд ўрта махсус маълумотли ҳамшираларга иш жойлари зарур.

Шўрчи туман тиббиёт бирлашмасида жами 686 нафар ўрта тиббиёт ходим учун иш ўрни мавжуд. Лекин ташкилотда ҳамширалик мутахассислиги бўйича бир ўринга икки нафардан ортиқ ходим фаолият юритиши натижасида бу ерда 1468 нафар ҳамшира ишламоқда. Демак, бир ўринга 2,1 нафар киши тўғри келади. Туманда ўрта тиббиёт ходимларини иш билан таъминлаш масаласи бир неча йилдан буён муаммо бўлиб келаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида: “Ҳар бир шахс



меҳнат қилиши, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан химояланиш ҳуқуқига эгадир”, — деб қатъий белгилаб қўйилган. Аммо...

Айрим сабабларга кўра, ёш кадрларни иш билан таъминлаш олмаётганимиз ачинарли, албатта. Бу борада изланишимиз, масаланинг мақбул чораларини топишимиз зарур. Хўш, ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимларини қай йўсинда иш билан банд этиш мумкин?

Биринчи навбатда, тумандаги 30-40 дан ортиқ ходимлар ишлайдиган ташкилотлар (туман ҳокимлиги, ДСИ, ХТБ, 63 та умумий ўрта таълим мактаблари ва мактаб-интернатлари, мактабгача таълим муассасалари, банк идоралари...)да “Тиббиёт хонаси” ташкил этиш лозим. Шунда қўшимча иш ўрни яратилиб, уларга ташкилот ҳисобидан иш ҳақи берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Агар ҳар бир йирик корхона (Шўрчи туманида “Шўрчидонмаҳсулотлари” АЖ, “Шўрчипахта” АЖ... сингари) да битта-

дан ҳамшира ва тозаликбон (0,5 ставка бўлса ҳам) тиббиёт ходими шғати яратилса, масала анча енгиллашади.

Бундан қутулаётган мақсад ташкилот ва корхона ходимларига тиббий хизмат кўрсатиши ташкил этиш, ишчи-хизматчиларга иш беришнинг ҳамхўрлиги, ходимларнинг соғлиғига эътибор қаратиш, улар бегоб бўлганда касалхонага боришга кетадиган вақтини тежаш, иш унумдорлигини оширишдан иборат бўлади. Қолаверса, ходимларга муассасанинг ўзида биринчи ёрдам кўрсатиши имкони яратилади.

Бу билан тахминан 100-120 нафар ҳамширани иш билан таъминлаш имконияти пайдо бўларди ва бу иш самардорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, ходимлар амбулатория шароитида даволаниш учун бир иш кунига камда 2-3 соат вақтини сарфлайди, бу эса иш унумининг пасайишига олиб келади. Ишхонадаги “Тиббиёт хонаси” эса корхона ходимларининг вақтини ҳам тежар эди.

Масаланинг яна бир ечими мавжуд. Айрим ўрта-махсус маълумотли ҳамширалар ўз яшаш жойларида фуқароларга норасмий тарзда тиббий хизмат кўрсатиб, эвазига “хизмат ҳақи” олишмоқда. Уларнинг фаолиятини қонунийлаштириб, яқна тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлган “Хусусий тиббий ҳамшира”си тўғрисида махсус низом ишлаб чиқиш, бу мақомдаги фуқароларга сертификат ёки лицензия бериб, фаолиятига рухсат бериш ҳам фойдадан холи бўлмас эди.

Низомда хусусий тиббий ҳамшираларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, мажбуриятлари, хизмат кўрсатиш тури ва тўлов миқдори белгиланиши лозим. Сертификат ёки лицензия тўловининг тахминан энг кам иш ҳақининг 50 фоизи (101 минг 365 сўм) бюджет ҳисобига ўтказилса, 200 нафар хусусий ҳамширадан маҳаллий бюджетга ҳар ойда 20 миллион 273 минг сўм, бир йилда эса 243 миллион 276 минг сўм маблағ тушиши мумкин бўлади. Йиғилган маблағ тиббиёт соҳасини ривожлантиришга ёки моддий жиҳатдан ёрдамга муҳтож фуқароларнинг даволанишига йўналтирилса, нур устига нур бўларди.

Юқорида илгари сурилган тақлифлар маъқулланиб, бу ҳақда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинса, ишсиз юрган ўрта махсус маълумотли ҳамшираларнинг бандлиги таъминланиб, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи химояланган бўларди.

Райинберди ХҲЖАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Шўрчи туманидаги Халқ
кабулхонаси раҳбари.

ҚИЛМИШ

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган ўғри ҳам шундай: ёруғлики зимистонга айланган қимсалардан.

Шундай қилиб, давлат аҳамиятига эга бўлган “Деҳқонobod калий заводи” АЖнинг мол-мулки мутасаддиларнинг доимий назоратида бўлса-да, акциядорлик жамиятидан “Тоғайтемир” маҳалласига тортилган 62 метр элекстр сими ўз “ага”сини топиб кетади. Ўғрининг “қаҳрамон”лигини қарангли, элекстр токи ўтиб турган симни қўрқмасдан ечиб олиб, бир тахлам қилади. Хўш, тоқ ўтказувчи сим ўғриси ким эди? Завод ва маҳалланинг беминнат кунига яраган элекстр сими нимага керак бўлиб қолди?

Деҳқонobod туман Ички ишлар бўлимининг тезкор ходимлари масалани оидинлаштиришга киришадди. Маълум бўлишича, тумандаги “Қаршиммаҳсулсэнергия” МЧЖда ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган Ғуллом Ҳамроқулов нафақат маҳалладагиларга, балки ўзининг ҳаётини хавф остига қўйган ҳолда бутун қишлоқни тоқсиз қолдириб, нафси, тор манфаати йўлида элекстр симини кесиб олган эди.

Пулга моли-жонини тиккан одамнинг кўзига ҳеч нарса кўринмас экан-да. Элекстр тоқсиз рўзгор юмушларини вақтида бажариб олишининг уддасидан чиқолмаган, қоронғи кечалари ҳовлига чиқишга қийналган, шу қишлоқда яшовчи Ҳотам исмли шахс Жамият томондан тортилган сим атрофида Ф.Ҳамроқуловнинг ивирсиб юрганини кўриб қолганини маълум қилади. Ва шу боис, мазкур жиноят оидинлашади, ўғри қўлга олинади.

Айни қиш палласида, жами 1 миллион 125 минг сўмлик симни талон-торож қилиб нимага эришардинг, нималик бўлардинг, эй ноинсоф!

Элекстр симини судсиз-сўроқсиз ўғирлаб кетган “шововз” ўзининг бу хатти-ҳаракатлари билан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 61-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора ходимлари томонидан исботланди.

Суд жараёнида Ф.Ҳамроқулов ҳақиқатан ҳам “Қаршиммаҳсулсэнергия” МЧЖда ҳайдовчи бўлиб ишлашини, “Тоғайтемир” маҳалласи ҳудудидаги 62 метр узунликдаги элекстр симларини айни қиш палласида, одамларнинг кўзини шамғалат қилиб, яширин равишда олиб кетганлигини тан олди. Судда жабрланувчи сифатида иштирок этган “Деҳқонobod калий заводи” АЖ омбори мудири М.Норбоев ўғирланган симлар омборга қайтарилиб, зарар қопланганлигини, Жамиятнинг унга нисбатан давтоси йўқлигини маълум қилди.

Маъмурий суд томонидан ўғирликка қўл урган бу кимсага, унинг чин дилдан пушаймонлиги ва бошқа инсонийлик таъмоилларини ҳисобга олган ҳолда маъмурий (1минимал оклад миқдорига) жараима жазоси тайинланди. Албатта, Ғуллом Ҳамроқулов бундан-да оғирроқ жазога лойиқ эди, дейишимиз мумкин. Лекин қонунларимиз адолатли, инсон ҳақ-ҳуқуқларини юксак қадрлайди, кеңиримлилик омиллига амал қилади. Бунга бўлиб ўтган суд ишида юқоридаги ўғирликка қўлланган жазо ҳам мисол.

Энг ачинарлиси, эгриликка қўл урган кимса истаса-истамаса оила аъзолари, қариндош-уруғлари ҳамда уни яқиндан таниганлар олдида “ўғри” деган номни, тамгани орттириб олади. Айниқса, болалари мактаб борганда синфдошлари “ўғрининг боласи”, деб ҳақорат қилса борми, бу шармандаликини ҳеч кимга кўрсатмасин-да!

Валишер КАРАМАНОВ,
Деҳқонobod тумани
Маъмурий суд раиси,
Хикматулло ҚОДИРОВ,
“Нутгўят” муҳбири.

АКС-САДО

КЕЧИМА

Ватан тугулус. Ватанга қурбиди. Ватанпарварлик. Кутин савми. Халқи учун жон фидо этмак.

ЮРАКНИНГ ПИНҲОН ХОНАСИ

ёхуд Ватан ким ўзарга севилмайди!

Оқибат кўриқхонаси қаерда?



Эттиб бораётган, дунё бу кўриқхона кимники эканини, қандай ва қандай қилиб қўриқхона кимники эканини, қандай ва қандай қилиб қўриқхона кимники эканини...

Эттиб бораётган, дунё бу кўриқхона кимники эканини, қандай ва қандай қилиб қўриқхона кимники эканини...

"Hurriyat" газетасининг шу йил 11 март сонида чоп этилган Абдулазиз Ахмедовнинг "Юракнинг пинҳон хонаси ёхуд Ватан ким ўзарга севилмайди" сарлавхали мақоласини ўқидиму, мен ҳам бу борадаги фикрларимни қораладим.



Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг суварига қараб, суйратини баҳолай олмаймиз. Орамизда шундай кишилар борки, улар сохта ватанпарварлик, маддоҳлик ва қарсақбозлик билан мақсадига эришиш пайида бўлади, чиркин ўй-хаёлларини амалга оширишга уринади. Ишини биткариш учун энг ёмон кўрган кишисини-да кўларга кўтариб мактайтиди, ялтқокланади. Бу каби тили билан дили бошқа одамлар ҳақида не-не улугларимиз "михлаб" айтганлар:

қилишимиз керакдир. (Абдулла Орипов)... Бугун ҳам ОАВ, интернет ва ижтимоий тармоқларда икки-юзламачилик ҳақида бонг уриб гапириляпти, бу иллат қораланиб, унга қарши курашишга қақриляпти. Ваҳоланки, биз ўзгаришни, хушомадгүйликдан халос бўлишни, энг аввало, ўзимиздан бошламас эканмиз, у авлодларимизга-да ўтиб, тобора чуқур илдиш отаверади. Радио-телевидениеда туркинланиб гапириш, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш, бир-бирдан ўтқи мақолалар ёзиш билан натижага эришиб бўлармикан? Гоҳида "Нега биз ҳали ҳам хушомадгүйликдан қутула олмадик", деган ҳаёллар, ая-

масдан сохталаштирилиб исроф қилинаётган туйғулар, топалаётган муҳаббат, ўрнини манфаатга бўшатиб бераётган меҳр-оқибат уйку бермайди. Бугун кимдир дўст тутиниб, сал яхши гапириб, кўнглингизни кўтармоқчи бўлса, бундан қувониб ўрнига бирон манфаатни кўзламайтимикан, дея хавотирга тушасан киши. Бир-икита касларнинг касрига ёрдам қилини чўзиб, бизга астойдил меҳр кўрсатмоқчи бўлган инсонлардан хавфсираб яшашга-да маъқуммиз... Яхшиямки, орамизда бундай мадҳиябозлар кўп эмас. Умири давомида обрў-этибор, юксак мартаба ва лавозимларга даъво қилмасдан ҳалол лўқма топаётган яхшилар бисёр. Дунёмиз аслида шундай кишиларнинг беғараз меҳнати ва оққўнчилиги боис гуллаб-яшнаётган бўлса, не ажаб?! Инсон ота-онасини нақадар севгани каби табиий ва ид-даоларсиз атрофидагиларни ҳам яхши кўрганга эди, бир марта берилмаган ҳаётимизни икки-чаккир масалалар ичиде ўрлашиб, беҳуда совурмаган бўлардик. Шунда инсон шунчаки кун ўтказмасдан чинакамига яшаган бўларди. Шоҳжаҳон МАЖИТОВ.

ҲАМКАСБ

Тақдирин кўл билан яратур инсон...

Анорбой Олимов Наманган вилоятининг ўзи туғилган Равот кишлоғидаги мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ижод билан шуғуллана бошлади. Топшўлат Ганиев, Юсуфжон Усмонов, Ольга Иванова, Фазлиддин Нажмидинов, Абдумутал Шамсиддинов, Сотимбой Қосимов, Ёқубжон Бозоров каби устозларнинг таълимини олиб, дунёқарашини ва тафаккур даражасини ошириб борди. Бўш вақти бўлди дегунча, китоб, газета-журналлар мутолаасига ошиқарди, шеър ва мақолалар машқ қилиб турарди.

лами ўтқир, ҳар жиҳатдан етук, бағрикенг ижодкорлар тўпланганди, — дейди А. Олимов. — Айниқса, тахририятда ишлайдиган устозларимдан Каримжон ака ўзига хос услубга эга, сўзга бой ва ҳозиржавоб инсон эди. Иброҳим ака бўлса иктисодини яхши тушунар, саноят, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги йўналишларини қўйилмақом тарзда ёритарди. Истеъдодли шоир Муҳаммадали ака ижтимоий-маданий ҳаёт мавзуларини мунтазам равишда саҳифаларга олиб чиқарди. Бундан ташқари, туман ижодкорлари тез-тез тўпланиб турарди ва бу вақтдаги ўзаро баҳсларда матбуот, бадий адабиёт, санъат каби соҳаларга доир масалалар муҳокама қилинарди. Бу мунозараларда Ёқубжон Дадажонов, Ҳабибулла Қирғизов, Муҳиддин Имомадиев, Аълоҳон Бобоҳоновларнинг фаоллиги ёдимда қолган. Муҳокасаларни тинглаб, мен ҳам ўзимга кўп нарса олاردим...



қаратилган қарори лойиҳаси эълон қилинди. У биз журналистлар учун қатор янгиликларни жорий этишни назарда тутди. Мен ҳам бошқалар қатори мазкур ҳужжатда бир қатор муҳим қоидалар олга сурилганини таъкидлаб, фикрларимни баён этдим. Шу билан бирга нодавлат нашрларнинг фаолияти учун ҳам шарт-шароитлар яратиш, ҳамма газета-журналларда қалам ҳўкири беришни жорий этиш, тахририят ҳўдимларига касб маҳорати ва иш стажига қараб устама ҳақлар белгилаш каби тақлифлар ҳам киритдим. Улар кўнчилиққа маъқул тушади, деган умиддаман. Ҳа, Анорбой ўз касбининг чинаккам фидойиси. Матбуотни жамият ҳаётининг кўзгуси деб билади. Шунинг учун ҳаммиша журналистлар меҳнати қадрланадиган киши керак, дея ҳисоблайди. Зеро, барча касблар қатори журналистика ҳам муқаддасдир. Чунки унда адолат, ҳолислик, ҳалоллик бўй кўрсатиб туради. Шунинг учун бу касб эгалари таниш-билишлари орасида алоҳида ҳурмат-эътирофга сазовордир. Биз ҳамкасблар номидан Анорбой Олимовга бундан кейин ҳам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ижодда муваффақиятлар тилаймиз.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, "Народное слово" газетасининг Наманган вилояти бўйича муҳбири.

ВИРТУАЛ ОЛАМ

ЭЛЕКТРОН ҚИЁФА

ёхуд "facebook" ва Марк Цукерберг ҳақида



Ҳар кун ич бўлмаганда бир марта интернетга киришимиз. Жуда кўпчилигимизнинг ижтимоий тармоқларида, ҳусусан, фейсбук тармоғида ўз саҳифамиз бор. Ушбу виртуал оламда бир неча минглаб дўстларга эгамиз. Кундалик ҳаёт тарзимиз, бизни қийнаётган муаммолар, саҳатларимиз ҳақида материаллар, фото ва видео роликларни ўз саҳифамиз орқали дўстларимизга тақдим этиб бораемиз. Яхши томони компьютер қаршида ўтириб, уйдан чикамасдан дунёнинг тамоми бошқа бир чеккасидаги одамлар билан мулоқотга киришимиз, фикр алмашамиз, дўстлашамиз. Узимизни қийнаётган муаммоларни соатлаб муҳокама қилиб, бошқаларнинг муносабатини ўрганаемиз. Ёмон томони — бу баъзи тармоқ аъзоларининг ўйсизлиги, дидсизлиги, бетгачонарлиги ва ҳақоратга доимо шай туришидир. Ҳатто, баъзи бир тармоқ иштирокчилари мутлақ шахсий ишларини ҳам фейсбук орқали овоза қиладилар, кўпроқ тармоқда материал эълон қилиш билан балл йиғмоқчи бўладилар. Ҳатто, баъзи фейсбук қорчалолари борки, тортиниб-қимтиниб, ҳаён-ҳаёнда чиқиб қилган тармоқ фойдаланувчиларини ямламай ютишга тайёр турадилар. Ҳа, албатта, ҳар яхши нарсанинг бир ёмон томони бўлади. Бизнинг фикрларимиз бу ҳақда эмас. Ҳаммаси фейсбукнинг ёш иштирокчилари ва унинг оламшумул шуҳрати, енгиллиги қулайликлари ҳақида! Марк Цукерберг энг оммабоп файсбук тармоғи асосчиси ва жуда кўпбал йўналишларда дунёга донг таратган компьютер дастурчиси сифатида тилга олинади.

Марк Элиот Цукерберг 1984 йил 14 май кунин Нью-Йоркда яҳудий этник ҳудудга мансуб шифокор оиласида дунёга келган. Ота-онаси Эдвард ва Карен Цукерберглар ҳозир ҳам ўз касбининг усталаридир. Ер шаридаги энг ёш миллиардер бўлган Марк АҚШ шароити учун кўп болали оила саналган 4 нафар боласи бор хонадонда воғая етди. У 10 яшарлиғидеяқ компьютер дастурчилигига қизиқа бошлади. Ёш иштирокчи 12 ёшида оила аъзолари мулоқот қилиши мумкин бўлган ZuchNet дастурини яратди. Цукерберг бошланғич синфни битирishi арафасидаги диплом ишига Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг мушқий дидини аниқлаб берадиган дастур яратди. Уни кейинчалик "Microsoft" компанияси 2 миллион АҚШ долларига харид қилмоқчи бўлишган. Ёш усмир бу ишларининг бирортаси учун муқофотлашларини истамеган ва ўз иштиросини сотмаган. Уларга "Илҳом сотилмайди" дея жавоб қайтарган. У 2002 йилда тасодифан Гарвард университетининг психология факультетида ўқишга топшириб, талабалик бахтига муяссар бўлади. Онасининг таъсири остида ўқишни бошлади. Бироқ психология билан бир вақтнинг ўзида информатика бўйича қўшимча курсларга қатнади. Унинг ягона истаги ўзининг шахсий компьютер дастурини яратиш эди. Талабалик давридаёқ курсдошлари учун бир-бирлари билан тажриба алмашиш мумкин бўлган ижтимоий тармоқни, кейинроқ эса Гарвард талабалари учун ўзларига ёққан расмларга овоз берувчи "Facemash" тармоғини яратди. Сўнг мана шу тармоқ асосида бутун дунёга машҳур бўлган шеддер — "Facebook" сайтга асос солади. У 2004 йилда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтади ва "Facebook"нинг бош директори айланади. 2008 йилда дастурчи Дублин шаҳрида ўзининг штаб-квартирасини очди. 2015 йилдан буён фейсбук дунёда энг кўп одам фойдала-

нувчи тармоқ сифатида иккинчи ўринга кўтарилди. Марк Цукерберг эса энг ёш миллиардер сифатида шуҳрат қозонди. 2017 йилда ёш иштирокчи бир пайлар ўзи ташлаб кетган Гарвард университетидан докторлик даражаси дипломинини олди. У Альберт Эйнштейннинг ўзи сўзларини такрорлашни хуш кўради: Ҳамма нарса имкони борича соддалаштирилиши керак, бошқа ҳеч нарса эмас! Марк энг ёш бизнесмен бўлишига қарамай, жуда оддий ҳаёт кечиради. Оддийгина машина ҳай-

Фейсбук даставвал, 2004 йилда Гарвард университети талабалари учун фаолият юритган. Кейинчалик Бостон университети ва АҚШнинг бошқа олий таълим муассасалари ўртасида оммалашган. 2006 йилдан бошлаб эса 13 ёшдан катта бўлган ҳар бир интернет фойдаланувчиси унга аъзо бўлиши таъминланди. Фейсбукдан айна пайтда 68 тилда 2 миллиарддан ортқ одам фойдаланади, бир суткада эса 720 миллион одам ушбу тармоққа таширф буюради. Ҳар кун сайтда 6 миллиард "Like" ва изоҳ (коммен-

тутмачаси ўзи ҳамфикр бўлган ва ишонч билдирган материал ва расмлар, видеолар учун босилади. Фейсбук илк яратилган кезларида "Facemash" деб номланганидаги дастлабки икки соат ичиде 450 одам таширф буюриб, 22 000 расм томоша қилинган. 2009-2010 йиллар давомида фейсбук тармоғининг таширф буюрувчилари "google"га қараганда ҳам ўзиб кетди. Филиппин, Индонезия, Австралия, Малайзия, Сингапур, Янги Зеландия, Гонконг ва Вьетнам ижтимоий тармоқ бозорларида фейсбук лидерликни кўлга киритган. "Microsoft" асосчиси Билл Гейтс Фейсбукнинг 1,6 фоиз акцияларини 260 миллион АҚШ долларига сотиб олган. Фейсбук акционерлари орасида дунёнинг миллиардерлари қаторида ҳамюртимиз Алишер Усмонов ҳам бор. Марк Цукерберг "Apple" асосчиси Стив Жобс ва "Google" асосчиси Эрик Шмидт билан яхши алоқада. АҚШнинг собиқ президенти Барак Обама уни тушлиққа тақлиф қилиб турган. Фейсбук ҳақидаги "Ижтимоий тармоқ" кинофильми 3 марта "Оскар" мукофоти билан тақдирланган. Маркдан фильм ҳақида сўрашганда у шундай деган: "Бизнинг ҳақиқий тарихимиз етарлиқ зерикарли. Олти йил компьютер қаршида ўтирдик ва код ёздик". Мана сизга оламнинг бир қути ичидеги шаклу шамойили, рангу қиёфаси. Баъзи бир озгига келган ҳар қандай сўзни айтадиган тармоқ фойдаланувчилари ўйлангандек, Фейсбук шармисизлар ва урушқоклар майдоли эмас! Фейсбук сўзининг маъносиде жамланган "юз"(face) ва "китоб"(book) сўзларига эътибор қаратсақ, бу тармоқнинг яратилишидан бош мақсад маънавият ва маърифат тарқатишдан иборат бўлган. Унинг дастлаб, талабалар ўртасида фаолият юритувчи сайт бўлганили ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

- 1. Ҳайиқмасдан таваккал қилинги! У ҳали мактабдалик чоғидеяқ компьютер уйинларини яратди. Унинг илк яратган компьютер уйини ҳам "Таваккал" деб аталган эди. 2. Агар сизда гоғлар бор бўлса — ўз бизнесингизни бошланги! Унинг айтишича, агар сизнинг миангиз ишласа, бас, бошқа бирор иш билан шуғулланишнинг кераги йўқ. У ўзининг мия имкониятларидан ниҳоятда умумли фойдаланган. Хали Гарвард университетидеяқ ўқибатган кезларидаёқ ҳамми бир ижтимоий тармоқ атрофида бирлаштириш гоғсини бир неча бор синовдан ўтказган. 3. Ҳатто, мақсадингиз аниқ-равшан кўринмаседа, бирор ишни бошлашдан қўрқманги! Мақсадини амалга ошириш бирор-бир лаҳзани пойлаб ўтириш, вақтни шамолга совиришдан бошқа нарса эмас! 4. Тинимсиз ишланг ва натижага эришинги! Бирор материал ёки расмага гоғибдан "Like" қўйишнинг кашф этилиши учун неча йиллар давомида компьютер ёнида уйкуга ётиб, компьютер қошида уйғонишига тўғри келган. 5. Агар нимадир қилмоқчи бўлсангиз, фақат яхшилаб удрасидан чиқинги! Нимадир яратибатган бўлсангиз, худди фақат ўзингиз фойдаланганидангандек, яхшилаб қилинги! У ўзи иштирок қилган Фейсбук сайтга ҳар кун таширф буюради ва ҳар кун унинг функцияларини кенгайтириб боради. 6. Дунёқарашингизни кенгайтиринги! У Гарвардда ўқир экан, бир йўналишдаги билимлар билан чекланмади. Математика, психология, қадимги тиллар, мумтоз адабиётни ўрганди. Цукерберг муваффақиятининг сири, фақат олдинга интилиш, қилаётган ишини севиш ва севаётган ишининг қилишида ҳеч қандай чегара билмасликдир.

Интернет материаллари асосида Гузал БЕГИМ тайёрлади.

ЎТМИШ САБОҚЛАРИ

Садриддин Айний — ўзбек ва тожик адабиётининг йирик намоёнаси, ёзувчи, олим ва жамоат арбоби. У 1878 йилда Бухоро вилояти, Гиждувонда туғилган, олдин эски мактабда, кейин Бухоро мадрасаларида таълим олган. Садриддин Айний маърифатпарвар жадидлар йўлидан бориб оммавий илм-маърифатга чорловчи шеърлар, мақолалар ёзган, янги усулдаги мактаблар очган. У Бухорода ўтган асрнинг йигирманчи йилларида вужудга келган тараққийпарвар “Ёш бухороликлар” ҳаракатида фаол қатнашгани учун Бухоро амира томонидан жазоланади.

Садриддин Айний кейинчалик журналист, ёзувчи сифатида танилади. У йигирманчи йилларда Самарқандда “Машраб” ҳажвий журналини ташкил этади ва унда эскилик, жаҳолатни қораловчи қатор шеърлари, мақолалари билан қатнашади. Сўнг адабий ижод билан шуғулланади ва “Одина” “Доҳунда”, “Куллар”, “Эс-даликлар” ва бошқа қатор бадиий асарлар ижод қилади. Садриддин Айний ижтимоий ва адабий тарих бўйича ҳам муҳим асарлар яратган. У филология фанлари доктори, профессор, фан арбоби, Ўзбекистон ва Тожикистон Фанлар академияларининг ҳақиқий аъзоси эди.

Садриддин Айний 1954 йилда вафот этган.



ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

ҲИНДИСТОНЛИК ГҮРҮҒЛИ
Ҳиндистоннинг Гужарат штатида ота-она янги туғилган чақалоқни тирик-лай кўмишди.

Нашрнинг хабар беришича, бола бир кундан кейин тасодифан маҳаллий аҳоли томонидан топилган. Чақалоқ йиғисини эшитган эркак маҳаллий аҳолига, полиция ва тез тиббий ёрдамга хабар берган.

Ҳиндистонлик Гурўғнинг ота-онаси сўроқ қилинди. Ота-онанинг сўзларига кўра, бола мудатидан икки ярим ой олдин туғилган. Шу боис, уни хусусий клиникага юборишган. Бола йўлда нафас олмай қўйган, ота-она уни жони узилди деб тахмин қилишган ва дафн этишган. Болага керакли тиббий ёрдам кўрсатилганига қарамастан 30 соатдан сўнг вафот этган.



МАНГУ ОЛОВДА ПИШГАН КАБОБ
Номаълум кимсалар Кронштадтаги “Ишчи ва денгизчилар мақбарасидаги мангу оловда” кабоб пиширишди.

Бир неча киши автоуловдан тушган ва мангу оловда кабоб пиширишни бошлаган.

Шунингдек, май ойда Санкт-Петербургдаги бир аёл мангу оловни ўчирган эди. Кейинчалик аёл спиртли ичимлик натижасида бу ишни қилганини тан олган. Полиция уни 500 Россия рубли қийматида жаримага тортган. Полиция айти пайтда “кабобхўр” айбдорларни ахтармоқда.

ЗАРЯДЛАНГАН НИКОБЛАР
Исроил олимлари ўзини вирусдан тазалаш хусусиятига эга бўлган химия ниқобини ихтиро қилдилар.

Материалшунослик ва муҳандислик факультети тадқиқотчиларининг таъкидлашича, электр энергиясидан фойдаланган ҳолда вирусларнинг янги қатламини йўқ қилишга қодирдир. Бу ҳолда ниқобларни оддий телефон зарядловчи воситалардан фойдаланиб инфекциялардан тазалаш мумкин бўлади.

Бу эса бир марталик ниқобларни йўқ қилишни натижасида атроф-муҳитни ифлослантиришнинг олдини олади. Аллақачон янги зарядланган ниқоб учун АҚШдан бюртмалар келиб тушган. Ниқобнинг нархи 1 АҚШ доллари атрофида.



ФРАНЦИЯНИНГ ШОКОЛАДЛИ КЎЧАЛАРИ
Хабарларга кўра, Франция кўчаларига шоколад тошиб кетди. Юк машинасида олиб келинаётган 24 тонна шоколад кўчаларга эриб оққан. Оқиб кетган шоколаднинг ҳажми бир тоннага яқин.

Воқеа жойига ўт ўчирувчилар ва фавкулдада вазиятлар вазирлиги ходимлари етиб келишди. Улар Франция кўчалари бўйлаб оқётган шоколадларни челақлаб йиғиб олишга эришдилар.

ТЕЛЕФОНДАГИ КУШ САЙРОҒИ
Белорусда ўн кушнинг сайроғи мобил телефон орқали эшитилиши мумкин.

Лойиханинг биринчи кунли қанотчиларга 50 000 марта телефон бўлди. Булбул сайроғи энг кўп шуҳрат қозонди. Унга 10 000 марта телефон бўлган. Кўнгиноқларнинг умумий давомийлиги 370 соатни ташкил этди.

Белорус дунёда биринчи бўлиб қанотчиларни мобил алоқада абонентига айлантирди. Айтганча, Беларус кўшларига аллақачон хатто Чехия, Украина, Россия, Германия ва АҚШдан кўнгиноқлар бўлган.



Тараққийпарварга урилган етмиш беш дарра

ёки ёзувчи «Эсдаликлар» уни эслаб...

“1915 йилнинг августида ўз қишлоғимдан Бухорога қайтишим билан мени қушбеги чақиртирди. Мен унинг ҳузурига бориб салом бердим. Қушбеги менга қараб:

— Сиз газета ўқир экансиз... — деди.

— Газета ўқишим тўғри, — дедим мен.

— Нега газета ўқийсиз? — деб сўради қушбеги.

— Газета ман қилинган нарса эмас, уни ўқиш жиноят ҳам эмас, газетани ўзим нашр этиб ўқийганим йўқ, махфий нашр этилган газеталарни ҳам ўқийганим йўқ, — дедим мен.

— Мен Россия ҳукумати руҳсат берган ва ҳукумат почтаси газеталарга етказадиган газеталарни ўқийман, ундай газеталарни минглаб кишилар ўқийди, мен ҳам ўшалар қатори. Бунинг нимаси жиноят?

— Сиз мулласиз, шоир ва фозилсиз, сиз Куръон ўқинг, китоб ўқинг, газета ўқиш сизга муносиб эмас.

— Мен бир кун ҳам газета ўқимасам туролмайман, — дедим мен.

Жуда яхши, унда “ўқимайман” денг-да, кетаверинг, — деди қушбеги.

— Мен ёлгон сўзлашга одатланмаганман, — дедим”.

овоз чиқармадим. Хўжра кўшним бўлган бир наманганлик мулла, у ҳожи ҳам эди, хўжрасидан чиқиб, менинг хўжрада эканлигимни айтиди ва “кечаси билан мажлис қилиб, жаноб олийга қарши қарорлар қабул қилишди”, деган ёлгонни ҳам кўшиб қўйди. Ваҳоланки, менинг хўжрамга кечаси ҳеч ким келмаган эди.

Келган кишилар хўжра эшиги олдида қоровул қўйиб, қолганлари дераза томонга келишди, деразани синдириб, мени судраб кўчага тортиб туширишди. Дераза кўчадан бир одам бўйи баланд эди, мен паства йиқилдим.

Кўчага йиқилиб тушган жойимдаёқ мени этиқлари билан тепа бошлашди, кейин фойтунга ўтказишди. Қаршимда ва ёнимда биттадан икки нафар қушбеги одамлари ўтиришарди. Уларнинг бир кўлида тўпчанча бўлиб, иккинчи кўллари билан афт-башарамга мушт туширишарди.

Бирининг мушти бурнимни қонатди, уларнинг шоҳи чопонларига қон сачраб доғ қилди. Улар “нега бизнинг чопонларимизни қон қилдинг”, деб яна қаттиқроқ ура бошладилар.

Мени Регистонга олиб бориб фойтундан туширишди, Регистонда амирнинг пиёда сарбозлари икки тарафда саф тортиб туришарди. Мени сарбозлар сафи ўртасидан ўтказиб аркака олиб киришди. Аркакадан ўтказиб олиб киришди. Аркакадан ўтказиб олиб киришди. Аркакадан ўтказиб олиб киришди. Аркакадан ўтказиб олиб киришди.

очиб қарсам, қушбегининг қарши-сидаман.

Қушбеги бирон нарса сўрамай мени камоқ қилишга буйруқ берди. Унинг олдида олиб чиқиб яна арканинг йўлига томон “обхона” деган камоқхонага йўл олишди. Қушбегининг ховлиси олдида рўпарамиздан Тўракул удайчи чиқди, у қушбеги одамларига “уриб-уриб олиб бординг”, деб буорди. Зотан қушбеги одамлари бусиз ҳам мени “бекаму кўст” урмоқда эдилар. Бу буйруқдан кейин улар янада қаттиқроқ ура бошладилар.

Мени обхонага ташлашди. Бирмунча вақтдан кейин обхонадан олиб чиқилди. Эгнимда бир кўйлагимни қолдиришган эди, холос. Аркакадан ўтказиб олиб киришди. Аркакадан ўтказиб олиб киришди. Аркакадан ўтказиб олиб киришди. Аркакадан ўтказиб олиб киришди.

Мирғазаблар “бир, икки” деб икки томондан савалай бошладилар, улар темирчилар навбатма-навбат темирга болга ургандек бири калтагини кўтарганда иккинчиси калтагини билан уради эди. Шу зайл бўйиндан тортиб белимининг пастига қадар калтак билан савалашар эди. Бада-нимдан қон сачраб, узилган гўшт ва тери парчалари турли томонга отилар эди. Оғриққа чидаб бўлмас эди. Бироқ, ўшанда менда чунон куч ва чидам пайдо бўлдики, у золим ваҳший палидлар олдида додлаш ва йиғлашдан номус қилар эдим, мардоналик билан амалдорларга тик боқар эдим.

Калтаклаётганларида яқинроқ турган мулла ва амалдорлар бошимга, бетимга мушт туширишар эди.

Бир вақт мирғазаблардан бирининг “етмиш беш” деган овози эшитилди. Бу сон амирнинг калтак жазосидаги энг катта ва сўнгги сон эди. Қушбегининг ишорати билан мирғазаблар калтаклашни тўхтатдилар. Мени у кишининг орқасидан туширишди. Тик туриш ва оёқ босишга мажолим йўқ эди, зиндонбонлар кўтариб олиб қайтишди. Яна мени “обхона”га ташлашди”.

Машхур адиб Садриддин Айний ўз “Эсдаликлар”ида тасвирлаган бу воқеа Бухорода Саид Олимхон ҳукмронлиги пайтида тараққийпарварларга қарши амалга оширилган мудҳис жазо эди. Аёвсиз таёқлар зарбидан орқаси тилка-пора бўлган, ўлар ҳолатга етган адибни дўстлари Бухородан яширинча олиб чиқиб кетадилар ва у Самарқандда давланиб ҳаётга қайтади.

Ҳа, йигирманчи аср эрксеварларининг кўрмаган даҳшатлари-ю мустаҳик этилмаган жазолари қолмаган эди...

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

ҲА-ЁТ!

1942 йил. Польшадаги яҳудийлар шаҳарчаси. Краковдаги гетто. Иккинчи жаҳон урушида Германиянинг нацист генерал-губернатори томонидан ташкил этилган бешта асосий геттонинг бири. Иш учун яроқлилар йўқ қилинадиганлардан шу тариқа ажратиб олинган.

Кичкина хўжрачада ўнлаб одам яшайди. Чексиз тақиқлар. Жухудлар хусусий мулкчилик ҳуқуқидан маҳрум этилган. Иш-сизлик авж олган. Карл Маркс сингари саводли яҳудийларнинг чақачалик қадри йўқ. Олий маълумотинг ҳам бир пул. Ёзувчилик, муаллимлик, муҳандислик, созаандалик кераксиз касб-ҳунар, тарих, адабиёт фанлари чикитга чиққан. У ерда яшовчилардан бири айтганидай: “Гўё ибтидоий ифлос ҳаётга ўхшайди”.

Комендант Амон “гетто”ни икки қисмга ажратувчи кўчадан машинада кетиб боради. Унг тараф “гетто “А”. У ерда малака-



“КИМКИ БИР КИШИННИ ҚУТҚАРСА, ДУНЁНИ АСРАБ ҚОЛИБДИ”

лар ва ушбу заминда қолиб кетдилар. Шу ерда насл тарқатдилар. Тижоратда, илм-фанда, маданиятда, санъатда, ҳар ерда ютуқларга эришдилар. Бу худудга кўллари бўш ҳолда қилиб келишган эди. Ҳеч нарса-сиз. Бу ерда фаровонликка эришдилар. Яҳудийлар Краков-

да 600 йил давомида мавжуд бўлди. Буни мулоҳаза этиб кўринлар. Аммо бугун оқшомада ушбу 600 йиллик ўтмиш йўқлик сари йўл олади. Худди ҳеч қачон воқе бўлмаган каби”.

Бу комендант Амоннинг аскарларга дегани.

Киш оқшоми. Совуқ. Гетто “Б” аёвсиз тинтув қилинади. Жомадонлар ташқарига итқиқилади. Бу юмлар кўчаларда сочилиб ётибди. Кексалар ва хўжжати йўқлар итдай отиб ташланапти. Одамнинг ҳайвонча қадри йўқ. Улар юк машинасида ўлимга жўнатилади.

Атрофда ўқлар учиб юрибди. Шунда Оскар Шиндлер тепаликдан туриб қизил пальтоли қизалоқнинг киргин ичидан ажралиб чиқиб уй ичкарасига кирганини кўради. Қизил пальтоли қизалоқ уйдаги хонадонлардан бирига қиради ва қаровот тағига яширинади. Қизчанин яширинаётганини кўриб, аёлим иккимизнинг ҳаёлимизга бирдан ўғлимизнинг шифа ёнбошига яшириниши эсимизга тушиб кетди. Деярли бир хил ҳолат.

Унинг номини отаси яхши ният билан Иззатилло деб қўйди. У Бойсуннинг кунчиқар томонида, тоғ этакларигача узалиб кетган Газа қишлоғида ўсди. Унинг болалик пайтида яқин-орада дуруст бир мактаб ҳам йўқ эди. Ўқинишнинг имкони бўлмади. Болалиги отасига ёрдам бериш, боққа, тўрт-беш ушоқ молга қараш билан ўтди. Ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмади. У 1914 йилнинг 2 февралда дунёга келганди, Шарқу Фарбни Биринчи жаҳон уруши қистовга олган бир пайтда. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Иззатилло Тўрақуловни фронтга олиб кетишди. У аввал "қишки жанг" деб ном олган Фин урушида қатнашди. Сўнг у Бессарабия-Молдавияда (ҳозирги Молдова) хизматни давом эттирди.

Қайта тирилган жангчи қиссаси

Франция, Польша, Чехославакия, Венгрия, Албания, Болгария ва бошқа Европа давлатларини Германия бирин-кетин забт этиб келаётганда. "Халқлар даҳоси" билан икки мамлакат бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисида тузилган сулҳдан кейин Совет Иттифоқига қўйилмаганда, гафлат-га қолдириб бостириб киришни режалаштираётган фашизм хавфи яқинлашаётган бир пайт эди.

У хизмат қилган қисм урушнинг биринчи кунларидаёқ фашист артиллерияси ва самолётлари ёғдирган бомбалар остида ҳалок бўлди. Иззатилло қуролдошларидан ҳеч кимни тополмади. Уни бошқа ҳарбий қисмга ўтказишди. У Дунай бўйларида, Молдаванинг Ясси, Бельци шаҳарларида румин — немис қўшинларига қарши олиб борилган жангларда ўқи-дивизион сафида иштирок этди. Уруш азоблари, алам-ситамларини тортиди. Бойсунга қора хат келди. Отаси Султон бобо Тўрақулов ва онаси Ўлгон момо қон йиғладилар. Худойисини бердилар, азасини тутдилар...

Фронтда эса ярасининг енгиллиги уни фашист автоматидан кутқариб қолди. Ўғир ярадорларни олиб, ўзи оёғи билан юрадиғанларини немислар лагерга ҳайдаб кетишди. Асирлик пайтида қаерларда бўлмади, нима ишларни қилмади Иззатилло? Аввал Польшада ҳарбий асирлар лагерига, сўнг Финляндияда, кейин Германия, Канада...

Польша лагеридан икки маротаба қочди. Белорусь ўрмонларида партизанлар борлигини лагердаги ҳарбий асирлардан эшитиб, уларга бориб қўшилиш умидида бўлди. Лекин фронт линиясига йўл тополмади.

"Маҳаллий халқ қочқоқларга ёрдам қилишдан, уларга йўл кўрсатишдан қўрқар, иложи бўлса, немисларга хабар берадди. Шундай қилиб ўз жонларини сақлаб қолардилар, чунки немислар қочқоқларга ёрдам берганларни улар билан қўшиб отар ва бир чуқурга кўмарди. Шунинг учун маҳаллий халқни ҳам тушуна бўларди. Бу урушдан кейин ишланган киноларда битта-ярим ўзидан кечганлар асирларга ёрдам беришди. Ҳаётда эса бу жуда кам учрайдиган ҳол эди", — дейди отасининг гапини таққорлаб Андрей Тўрақулов, — Икки маротаба ҳам ижобий натижа бўлмади. Бирга лагердан қочганларнинг кўплари Польша ўрмонларида очдан ўлиб кетишди. Иззатиллони бир поляк аёл ўлимдан сақлаб қолди, унга киритмасда, нон бериб турди. Эски-туски кийимлар берди. Аммо барибир уни топиб яна ҳарбий лагер жазохоналарига тикишди...

Михайл Шолоховнинг "Инсон тақдир" асаридаги жангчи Андрей Соколов эсини эсимизга келаяптими? Балки Иззатилло кенжасининг исмини берорга Андрей қўймагандир, балки тасодифий ўхшашликдир? Қайдам... Бу ҳақда унинг ўзи билан гаплашмасан деб қилмади. Гарчи, Бойсунда бир неча маротаба учрашган бўлса-да...

Шундай қилиб, 1945 йил 9 май куни Иккинчи жаҳон уруши ниҳоясига етди. Бу пайтда Иззатилло ва у билан бирга ҳарбий лагерда бўлганлар Германиянинг Иттифоқчилар, анкироги Америка Қўшма Штатлари босиб олган ҳудудда эдилар. Уларни кемага ўтиргизиб, Канадага жўнатишди. У ерда асирлар бир йил ишлагач, Совет Иттифоқдан бир офицер келди. Улар билан учрашиб, ким ўз ватанига қайтишни хоҳласа, қатордан бир қадам олдинга чиқсин, дейди.

"Отам Ўзбекистонга қайтишни жуда-жуда хоҳлаган, уни қаттиқ соғинган. Бу хабардан хурсанд бўлиб, биринчилар қатори ватанига қайтиш истагини билдирган, — дейди Андрей. — Иккиланганлар қайтмаган. Улар ишонмай тўғри қилишган, чунки офицер алдаган экан".

Асирлар Москвага олиб келинган, уларни бир муддат қамаб қўйдилар. Терговлардан сўнг "ватан хоини" деб, кўпини ўлим жазосига ҳукм қилдилар.

"Отамнинг айтишича, уни бир тожик миллатига мансуб киши тергов қилган: ватанига қайтармасда-да, ўлимдан кутқариб қолган. 8 йилга Узоқ Шарққа дарахт кесишга жўнатган. Шундай қилиб, отам Хабаровск

(Эссе)

ўлкасига келиб қолади ва онам билан шу ерда танишиб, оила қурадилар", — қўшимча қилади Андрей. — Иззатилло доимо Ўзбекистонга қайтишни орзу қилиб яшарди. 1955 йил сургун муҳлати тугади. У хотини немис фарзанди Мариани ва болларини олиб "Қайдасан, она юрт", дея Хабаровскдан жўнайди. Бир неча кун поездда юриб, ниҳоят Термизга, сўнг Бойсунга, ота-онаси бағрига етиб келади. 1964 йилгача, қарий ўн йил Бойсун шаҳар электр тармоғида ишлайди. Элга қўшилиб, киришиб кетади. Эли, юрти борлигини хис қилиб яшайди. Аёли, боллари ўзбекча, тожикча гапира бошлайди. Яна фарзандлар дунёга келади. Аммо аччиқ кунларини баҳам кўрган, оғир дамларида кўнглини кўтарган аёли юрак касалига мубтало бўлади, об-ҳавони ўзгартиришга тўғри келади. Шу тўғрисида 1964 йил Иззатилло хотини, боллари билан яна Узоқ Шарққа, Хабаровск ўлкасига йўл олишади.

60-йилларда И.Тўрақулов ўз полкни, бирга хизмат қилган қуролдошларини топиш ва улар билан боғланишга ҳаракат қилди. Бойсун ҳарбий комиссариатидан ўзи хизмат қилган қисмини сўраб билди, Москвага хатлар ёзди. Аммо барча хатларига бир хил жавоб келаверди: И.Тўрақулов хизмат қилган ҳарбий қисм аскарлари жангда ҳалок бўлган, ҳужжатлари ҳам йўқолган.

Шундан сўнг у оқланиш умидидан воз кечди. Бирор ҳужжат бўлмаса, "қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар" рўйхатида турса-да, икки йил киргизилганда, тўрт йил асирда, 8 йил сургунда юрган бўлса, унга биров ишонмаса, нима ҳам қиларди? Ахир, ватанини сотганлар немиснинг ёлпи консервасини пеш билдиб, легионлар сафида ўз юртдошларига қарши ўт очиб юргани ҳаммага аён эди-ку!

Иззатиллонинг фақирона ҳаёти давом этарди. Мамлакатни қайта қуриш даври бошланди. "80-йилларда уйимизга туман ҳарбий комиссариатидан кишилар келиб, отамга унинг тўлиқ оқлангани ҳақида ҳужжат келтиришди, унга "Уруш қатнашчиси" медалини топишмоқчи бўлишганда, отам уларга аччиқ-аччиқ гапирганди (ўзим бунга гувоҳ бўлганман): "Мен сизлардан ёрдам кутиб, мурожаат қилганимда, мени "Ватан хоини" деб, ашиқлариндан киритмаган эдиларинг. Энди менга ҳеч нарса керак эмас. Кетинглар". Шундан сўнг ҳарбийлар медални стол устида қолдириб кетишганди" — деди Андрей.

Қайда бўлмасин, у Ватан соғинчи билан яшади. У Бойсунга таътил пайтлари бир-икки фарзандини эргаштириб келар, ҳафта, ой туриб, сўнг яна Хабаровскка қайтарди.

90-йил бир ўзи Бойсунга келди. Отасидан қолган ҳовлида сингиллари, укаси Мавлон Тўрақулов ва бошқа қариндошларининг меҳридан тўйиб, икки-уч ой яшади. Ким биларди, бир ҳовуч тупроғи ватанида, ота-онаси қабри ёнида қолишни истагани ёки бошқа сабабданми, хотини-ю угил-қизларининг у ёқдан юборган телеграммаларига "қайтаман, бироз сабр қилинганлар" дея жавоб беради, ўзи эса хар кун туман марказидаги дехқон бозори дарвозаси ёнидаги қариялар чойхонасида тенгқурларидан бирортасини топиб, гурунлашиб ўтирар, кўк чой ичиб, ўтган кунларини эслашарди.

Бир кун Газада, болалиги кечган ҳовлида, қадрдон гуҷум соясига ёнбошлаб ўйга чўмди: ота-онасини, хешу таборини,

Бойсунини, унинг хар сарҳардан унга боқиб турадиган баланд тоғларини ўйлади: "Буларни ташлаб кетиб бўлмайди! Аммо мен бу ерда қолсам, шу ерда кўмилсам, болаларим нима қилади? Невараларим қабрини қаврдан излашди?..."

Шундан сўнг у Хабаровскка жўнаш тарадудини кўрди. Кейин барча билан қучоқлашиб, йиғлаб хайрлашди.

Уша йил 28 ноябрда Иззатилло Тўрақулов Хабаровскда қамоққа олиб кўрилди. 48 йил кўтариб юрган ўқ парчасини ҳам олиб кетди...

Бозор Илёс ал-АМИН.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Реклама ҳуқуқи асосида



Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 12 майда қабул қилган "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизimini ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги Фармони ва соҳага оид қарор ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда таъкидланганидек, банк тизимларида молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш, аҳоли турар-жойларида ва қишлоқларда турли хил банк хизматлари кўрсатишда АТ "Халқ банки"нинг алоҳида ўрни бор.

Тадбиркорликни қўллаш — АСОСИЙ МЕЗОН

АТ "Халқ банки" кредитлари асосида насли чорва моллари келтирилмоқда

Банкларда мижозларга хизмат кўрсатишни модернизация қилиш, самарали инфратузилма яратилиб, фаолиятини автоматлаштириш, қулай, замонавий хизматлар оммабоплиги ва сифатини оширишда АТ "Халқ банки" республикамиздаги молия муассасалари орасида етакчилардан бири ҳисобланади.


Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 19 май куни тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам банклар фаолиятига мижозларга хизмат кўрсатиш сифатига қараб баҳо берилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Хусусан, тижорат банклари кичик бизнес ривожига муҳим бўлган муҳим аҳамиятга молик, албатта.

Пандемия оқибатларини юмшатиш доирасида "Хар бир оила — тадбиркор" дастурига ажратилган 1 триллион сўм кредит маблағларини қайтариш муддатлари узайтирилганлиги бу оилаларнинг тадбиркорлик орқасидан даромадларининг ўсишига катта кўмак бўлади. Шу боис, ушбу дастурни тўлалигича амалга ошириш учун Тикланиш ва Тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари ҳажмида рекурс ажратилди ва шубҳасиз бу аҳоли даромадлари ўсиш барқарорлигига замин бўлди. Бу эса юртимизда истиқомат қилаётган оилаларнинг тадбиркорлик ишини ривожлантириш, уларнинг моддий манфаатдорликларини ўсишига олиб келади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўзини ўзи банд қилган аҳоли даромад солиғидан озод этилиши яна бир инсонларарлик, адолат тамойилига мос келади.

Маълумки, бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам कोरोनाвирус пандемияси давом этмоқда. Бундай шароитда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ортас ортадики, қамаймайди. Шу боис, пандемия даврида АТ "Халқ банки" томонидан тадбиркорларнинг қорвачилик лойиҳаларини молиялаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг жорий йил 29 январидagi "Қорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳани жадал ривожлантиришга, замонавий ва инновацион услубларни жорий этишга кенг имкониятлар эшитгани очди. Мазкур қарор ушбу соҳани ривожлантириш билан бирга озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳам катта имкониятлар яратди.

Масалан, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қорвачилик лойиҳалари учун кредит суммасининг 50 фоизи миқдоридида қафиллик тақдим этилиши, насли чорва моллари сотиб олганлик ёки четдан олиб келганлик учун субсидиялар ажратилиши қорвадор фермерларга фойда келтиришига ҳам катта имкониятлар яратди.



Тошкент вилояти Янгийўл туманида иш юритаётган "Хоразм Biznes Gold" фермер хўжалиги томонидан АТ "Халқ банки" кўмагида сут ва гўшт маҳсулотларини етиштириш мақсадида банк томонидан ажратилган 6 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобида Чехиядан 99 бош Golsteyn зотли насли қора моллар олиб келинди. Бутун дунё бўйлаб карантин қондалари жорий этилганлиги сабабли ушбу қорамолларни танлаш ва ҳамкорлар билан шартнома имзолаш онлайн тарзда бўлди. Шундан сўнг танланган йирик шохли моллар қисқа вақтда хўжаликка етиб келди.

— Ҳамкорларимизга раҳмат, июнь ойининг бошларида яна 99 бош зотдор қорамол олиб келинади, — дейди фермер хўжалиги раиси Руслан Раҳимов. — Чорва молларини боқиб жойларимиз европа стандартлари асосида қурилган, 400 бош қорамолни сақлашга мўлжалланган. Олиб келинган соғин сугилар кунига 30 литрдан кам сут бермайди. Бу ўзимизнинг жайдари зотли сугиларга қараганда 2-3 баробар кўп демакдир.

Ҳозирда "Хоразм Biznes Gold" фермер хўжалигида саккиз киши ўз иш ўрнига эга бўлди. Яқин келажакда АТ "Халқ банки" билан ҳамкорликда яна 300 бош насли чорва моллари олиб келиниб, 15 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Халқимизда "Меҳнат қилган элда азиз" деган нақл бор. Инсон астойдил меҳнат қилиб, ўзи ардоқлаган касби билан шуғулланса, ундан бахтли одам йўқ. Севган касб-кори орқасидан рўзғориди барака, ҳаётда хотиржамлик бўлади. Мен ҳам анча йиллардан буён орзу қилиб, эриша олмаган ниятимга "Халқ банки"нинг молиявий мадади билан эришдим. Банкининг менга яратиб берган шарт-шароити ва кўмаги билан фаолиятимни ривожлантириб, кенгайтириб олдим. Бугунги кунда халқимиз фаровонлигига катта ҳисса қўшиб келаятган банклардан миннатдоримиз, — дейди янгийўллик фермер Р.Раҳимов.

Бугунги кунда насли қорамолларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Ўзи насли ва жайдари қорамоллар ўртасидаги фарқ нималарда кўзга

ташланади? Таҳлилларга кўра, бир бош жайдари сугиларнинг ўртача бозор нархи 7 миллион сўм, хориждан келтирилган зотдор наслисиники эса 12 миллион сўм. Жайдари сугилар бир йилда 1,5-2 тоннага сут беради, бузоғи туғилганда 15-20 килограмм бир ёшга тўлганда 100-120 килограмм тош босади. Икки тонна сут бозор нархида 8 миллион сўмга сотилади. Наслдор молдан эса бир йилда камидан 6 тонна сут олинади. Кўриниб турибдики, уни сотиб олишга сарфланган пул қисқа вақт ичида биргина сути ҳисобидан қопланади. Қолаверса, янги туғилган бузоғининг вазни 55 килограммгача бўлиб, 10-12 ойда 200-250 килограммга етади.

Жорий йилда АТ "Халқ банки" томонидан 35 минг бош чорва моллари олиб келиш учун 465 миллион сўмлик 290 та лойиҳа молиялаштирилди. Бунинг натижасида 174 та лойиҳа ташаббускорлари томонидан четдан 17 минг 356 бош чорва моллари олиб келиниб, 700 га яқин иш ўринлари яратилди. Олиб келинган чорваларнинг 11 минг 682 бош қорамол, 4 минг 988 боши қўй-қўзи, 277 боши эса эчки ва 409 боши отларни ташкил этади.

Шунингдек, сутни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда замонавий чорва комплексларини барпо этишга 112 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Жорий йил охиригача қорвачилик соҳасига АТ "Халқ банки"нинг яна 710 миллион сўмлик кредит маблағлари йўналтирилади.

2019 йилнинг ноябрь ойида Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда ҳудудларда Андижон вилояти тажрибаси асосида "Оилавий кооперациялар"ни ташкил этиш бўйича ҳам бир қатор вазифалар юклатилган эди.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида республикамизнинг ҳар бир вилоятида 26 тадан "Оилавий кооперациялар"ни ташкил этиш бўйича ҳам бир қатор вазифалар юклатилган эди.

Бундан ташқари, аҳолига 5 бошга қорамол етказиб бериш, Қоракалпоғистон Республикаси тажрибаси асосида камидан 30 бош бўлган қорамол парварши қилинадиган оилавий чорва фермаларини ташкил қилиш, гўшт ва сут маҳсулотлари сотишга мўлжалланган кўча савдо дўконларини ташкил этиш ҳам белги-ланган. Бу борада АТ "Халқ банки" томонидан тадбиркорлар билан биргаликда 36 миллион сўмлик 18 та лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қорвачиликнинг барча тармоқлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш, кадрларни тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил қилиш мақсадида Самарқанд ветеринария медицина институтини қўшиқдаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида ўқув курслари ташкил этиб келинмоқда.

Ушбу марказда АТ "Халқ банки"нинг 800 миллион сўмдан ортиқ ҳомийлик маблағлари ҳисобида жами 1 минг 170 та осементорлар ўқутилмоқда.

Бу албатта, соҳани ривожлантириш учун етук кадрлар захирасини бойитади. Қорвачиликни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда қишлоқларга инновацион технологияларнинг жалб этила бошланиши аҳоли даромадларининг ўсишига ва юртимиз равақига сезиларли ҳисса қўшади.

Банк матбуот хизмати.

ЎД ЭТИБ

Дунё ташвишлардан холи, бекорчи дамларга кўз юмиб, қоғоз билан китобга кўмилиб, маънавиятни юксалтириш, илм конидан хазина излаш билан машғул бўлган инсонлар борлигидан азалий маънавиятимиз сарчашмалари тинмаслигини, нурли йўллар ҳали ойдан эканлигини англаб яшайсан. Жалолиддин Юсуфий ҳам ана шундай феномен шахслардан бири эди...

Машрабшунос муаллим

Бобораҳим Машраб ўзбек мумтоз адабиётида ўзига хос макъа ва мартабани забт этган улуғ шоир. Инсониятнинг борар манзили фақатгина Аллоҳ хузурини эканлигини Машраб ижодидан бохабар инсонлар кўксига тугиб яшайди. Муаллим Жалолиддин Юсуфий ана шу синоатни китобхонага етказиш, билдириш мақсадида қўлга қалам олди, мумтоз шоир

ижодидида илм қилди. Ж.Юсуфий 1945 йилнинг 4 ноябрь куни Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги Миҳчагарон қишлоғида туғилди. "Ҳаётини адабиётга, Машраб ижодига бағишлаган Жалолиддин ака суварати ва сийрати билан рутбали, камтарин инсон эди", дейишди маҳалладоллари.

Юсуфий домла узок йиллар давомида тумандаги 78-



умумий ўрта таълим мактабидида ўқитувчи, кейинчалик мактаб директори бўлиб ишлаган. Фазал жанрини, унинг таҳмил, мажоз ва бошқа санъатларини биладиган олимлар суҳбатида бўлиб, асарнинг асл моҳиятини излаб, топиб, баҳоли қудрат

тиклаб, камини тўлдириб тадқиқ қиларди.

Таниқли адабиётшунос олим, таржима назарияси билимдони, тасаввуф таълимидан илм қилган Файбулла ас-Салом домла Жалолиддин Юсуфийнинг катта устози эди. Юсуфийга: "Каттақўр-

ғондан бир соҳибидевои утган, шу кишининг девонини топиб, халқимизга таништириш. Зеро, девон тартиб берган, унинг урдасидан чиққанлар юртимизда санокли", дейди. Шундан сўнг Юсуфий домла Каттақўрғон туманига бориб, шоир Сайидмухам-

мад Халифа Йўлдош ибн Давлат ҳақида ҳам қимматли маълумотлар тўплади. У кишининг газалларини тўплаб, тадқиқ қилади. Бироздан сўнг "Соғлом авлод" журналининг 2008 йил, июнь сонидида "Қалам бўлди манга ҳамдам" сарлавҳаси билан катта бир тадқиқот мақолани эълон қилади.

Мақолада ибн Давлат Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманининг Жизмонсой қишлоғида яшаб, бизга маълум бўлгани, 25 та китоб ёзгани, ўзбек адабиёти яна бир ижодкор билан бойигани ҳақида етарлича маълумотлар бор эди. Таассуфлар билан айтиш мумкинки, Юсуфий устоз вафотидан сўнг ибн Давлат "Девон"ини тўлиқ ўрганиш, ижодини тадқиқ этиш адабиётшунослигимизнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Жалолиддин Юсуфийнинг асосий илмий иши Машраб ижоди билан боғлиқ эди. Шу кунгача кўплаб олим ва илм қилаётганлар томонидан қатор докторлик, номзодлик ишлари ёқланди. Аммо янги авлод вакиллари ҳамон Жалолиддин Юсуфийнинг таҳлилий асарларига эҳтиёж се-

зади. Қимматли маълумотларидан муҳим ҳужжат сифатида фойдаланади. Устоз асарларида тасаввуф ва эски ўзбек тилига оид мураккаб масалалар содда ва халқона тилда, тушунарли қилиб юксак дид билан очиб берилган.

Йиллар давомида қилинган изланишлари самараси ўларок, 1990 йилда "Меҳрибоним, қайдасан" номи билан Бобораҳим Машраб газаллари тўплам ҳолида нашрдан чиқди. Бу адабиётимизда катта ҳодиса эди. Биздаги маълумотларга кўра, тўплам билан бирга Машраб газаллари таҳлиliga бағишланган илмий монография ҳам нашриётга топширилган. Афсуски, илмий иш нашриётда йўқолади. Оқибатда Жалолиддин Юсуфий номзодлик ишини ёқлай олмайди.

Жалолиддин Юсуфий 2017 йилнинг 9 декабрида вафот этди. Адабиёт ва маънавият оламини ҳаётининг мазмуни деб яшаган, шеърят ихлосмандларининг кўнглидан чуқур жой эгаллаган устоз эл эъзозидида бўлишига шубҳа йўқ. Зеро, инсон учун бундан ортқ мартаба ҳам бўлмайди.

Абдулазиз АХМЕДОВ.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Автобус жуда ажойиб улов. Бу ерда турли феълли одамлар тўқнашади. Билиб-билмай бир-бирини кузатади. Ўзинг истамаган ҳолда кимнингдир суҳбатига гувоҳ бўлиб қоласан. Бу гал ҳам ўриндиқдош аёлнинг кутилмаганда телефони жиринглади. Кўнғироқмисан кўнғироқ. Худди кўча эшиги кўнғироғидек жарангдор. Аёл хаёл суриб ўтирган шекилли чўчиб тушди. Шошиб менга қаради. Кейин апил-тапил нимчаси чўнтагини кавлаб телефонини олди, қулоғига тутди.

Афсус, асал қолди-да...

— Ваалайкум асалом. Шапагат сенмисан?! Ҳозир ҳаёлимдан ўтиб турганинг. Тинчмисан, эринг, қайнонанг яхшими?.. Менми, йўлда, автобусда эдим. Ҳа, яхшиман, ҳа ҳамма тинч. Ҳа-а? Нима? Асал дейсанми? Қанча экан?.. Хафа бўлмайсан-да... Йўқ, қимматмас, яхши. Лекин ҳозир иссиқ сувга пул тўлаб келяпман. Уч ойлиги тўпланиб қолганди... Қизиқмисан, Расулжон икки ойдан буён уйда ўтирибди, иш йўқ... Йўқ, ундаймас, ишонасига хомашё келмабди, шунга... Вай-й, шу пайтда асал ялашга бало борми, дейди-да... Соттиш?.. Шошма-чи, синглинга телефон қилай, — аёл шундай деб рақам теришга тушди.

— Каромат, ваалайкум асалом. Тузуқмисилар, болаларинг боғчага кетдимми... Кувёв ишдадир... Ҳа, яхши. Телефон қилаётганим, холангни кўшини асал сотаётган экан. Асали тоза, аввал олгандим, зўр!.. Йўқ, нақд пул бериш керак. Аксига олиб мен пенсиямни ишлатиб қўювдим. Нима қилшга хайронман, шунга, сенга... Нима? Нега топганими акангни болаларига сарф қиларканман-ан. Ўзлари ишлаб топсин! Ўйламай гапираверасан-а, тавба.

Ухшамасди шекилли, аразлаган бўлиб телефонини ўчирди. Энди хайрият-эй, деб турувдим, "ўриндиқдош" янги рақам терди:

— Алло, Саодат, ҳа менман. Йўқ, ҳали уйга қиролганим йўқ, Саодат, эшит, холангни кўшини тоза асал бор экан. Болангни совуғи ошганидан қовуғи бўшаб қолган девдинг, сенга ҳам керак ўзи, киндигининг остига тоза асал сурсанг жойини бошқа хўл қилмайди. Нима?.. Нархи?.. Баландмас, элик минг. А? Пенсиямдан?.. Шунчаки, қўй, хафа бўлма, ҳаммаси тушунарли...

Ҳа, яна нима? Нима дейсан?.. баландроқ гапир, яхши эшитмаяпман. Қайси тўёна, ўглингни суннатигами? Нега тўёнани гапиряпсан?.. Берганимдан кам чиқибдимми?.. Вай, қанча?! Йўғ-э, қизим, ўзим санаганим, нақд бир миллион эди... Биламан, ёлғон гапирмайсан... Ҳа... балки, адашгандирман... Хўп-хўп,

тўплаб қўяман... Бўпти, яхши ўтиринглр... Кувёв дейсанми?.. Ҳа, ўзинг бир амаллаб узрими айтиб қўй! Мен холангга асал керакмас экан, дейман...

— Мен мунгайиб қолган аёлни чалғитиш учун гапга тутдим.

— Қизларингиз билан гаплашдингизми?

— Э, ўлсин, қаттанам шу синглим асални айтди. Йўқ, нарсига шунча юрагимни сиқдим. Қизларимнинг битта-сизам лоақал, майли сиз олинг, пулини мен бераман демади-я! Қайтанга йўқ жойдаги гапларни кавлайди. Кувёвга берган тўёнамдан ўттиз минг кам чиққанмиш. Ахир, ўзим санаганим!

Аслида-ку, шу кувёвдан мен бир сўмлик фойда кўрмаганман. Етти йиллик кувёв бу, ҳалигача бир марта ҳам оий, демаган. Қизим ҳам галати. Унинг гапини менга оқизмай-томизмай етказди. Нима эмиш, одамнинг онаси битта бўлармиш. Тўғри, лекин кўнглим учун тил учиди бўлса ҳам оий деса бўлади-ку! Бир жойи камайиб қолмайди-ку. Мен топганимни у дунёга орқалаб кетардим, топганим шуларники-ку. Одам қаригач яхши гапнинг гадоси бўлиб қоларкан-да. Ҳа майли, айтишади-ку, битта тоғорага 10 та тоғо-

рача ситар экан, ўнта тоғора-ча битта тоғорани сиғдира олмас экан, деб.

Нима ҳам дей, орқамда қолишса бўлди. Узр, сизни ҳам ташвишимга шерик қилдим. Ҳа, ҳамма сиримни айтганим олтиш йиллик қадрдон киз ўртоғим бор. Ҳар ойда бир кўришиб ҳасратлашиб оламиз. Болалигимизни эслаб кулашимиз, бугунги ташвишларини айтиб ҳасратлашамиз. Анча енгил тортиб уйга қайтаман. Ўғлимни болалари жуда меҳрибон. Уларни кўрсам барча қайғумни унутаман...

Энимдаги аёл шундан сўнг менга қараб синиққина жилмайиб қўйди. Шу чоғ шартта энимдан пул чиқариб, мана опа манови пулга асал олинг, набираларингизга едиринг, мени дуо қилсангиз бўлди, дегим келди. Бироқ менга қараганда кўзлариди ёнган гурурни, сўзлариди уйғонган меҳрни кўриб, негадир бунга журъат қилолмадим. Кўз олдимда акам олиб берган атласни менга илинган онам намоян бўлди...

Албатта, бу карантиндан олдинги воқеа эди. Фақат шунча гап одам лик тўла автобусда бўлгани кўнглини янада жиждил қиладиган жиҳатлардан бири эди...

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

РАССОМ ХАНДАСИ



Шу кувёвдан мен бир сўмлик фойда кўрмаганман.

Реклама ҳуқуқи асосида

30 йил
сиз билан бирга!

TURON BANK

Барқарорлик белгиси!

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОФИСИ

МИЖОЗЛАРИ УЧУН
"МАРКАЗ" тарифи

0%

Дебет айланма бўйича хизмат
ҳаққи - БЕПУЛ

- белгиланган муддатдан сўнг мижоз амалдаги банк тарифларидан бирини танлаши лозим фақат янги ва бошқа банкдан келган мижозлар учун қўлланилади.
- Акция бир йил давомида амал қилади.

99895 144-60-00

www.turonbank.uz

turonbank turonbankuz turonbank

Хизматлар лицензияланган